

Вилоят ва туман ҳокимлари ҳар бир болага ўз фарзандидек қараб, уларнинг соғлиги, ўқиши, юриш-туриши, қизиқиш ва орзу-интилишлари, муаммоларидан доим хабардор бўлиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
2-iyul
chorshanba
№ 26 (1453)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @hurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat.uz

ПУБЛИЦИСТИКА

...Бопаликнинг узун тунларида хирагина шуъла сочаётган чироқ атрофида суҳбат қуришган отахонлар бугунгидек ёдимда. Ҳовлимиз саҳнидаги мўъжазгина тахта чорпоё шомдан сўнг бирдан гавжум бўларди. Осмондаги барқашдек ой... унинг теграсидаги жимирлаши кўзни олгудек юлдузлар... Тегирмоннинг ҳайбатли гулдураши. Мен гўё эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис қилардим ўзимни. Ўша ғоят қизиқарли гурунлардаги тасвирлар тошга ўйилган нақшдек ёш идрокимга муҳрланарди... Фарқатимизнинг ҳаёт томири милодий икки минг йилликларга бориб туташиши, шаҳар Чирчиқ дарёси бўйида қад кўтариб, кенгая бориб, атрофлари ички ва ташқи баланд деворлар билан ўралган кўркам ва мустаҳкам кўрғон, бизнинг Фарқатимиз (Паркент дейилмасди) жуда қадимий қалъа бўлганлигини ўша суҳбатлардан орқали билиб олардим.

УЛУҒВОР ЎЗГАРИШЛАР УЧУН УЙҒОНАЙЛИК!

ёки Президентимизнинг Паркент туманига ташрифидан кейинги ўйлар

Ёзда ҳам чўққиларидан қор аримайдиган Чотқол тоғ тизмаларининг ёши нечада эканлиги, Паркентни душманлар ҳужумидан асраб қолиб, ўзи қўйлари билан тошга айланиб қолган Одамтошни кўриш истаги ёш идрокимда ёлқинлиб ётарди. Фарқат ҳозиргача ўзининг сир синопти, тарихий илдишлари билан, ёғиллар томонидан неча бор кунпаякун қилиниб, Қажнус каби яна қад кўтарган енгилмас паҳлавон, қадимий шаҳар сифатида ҳаммани ҳайратга солиб келади. Чор-атрофи буюк тоғлар билан ўралган, бетакорр табиати, доривор ўсимликлари, ям-яшил ўрмон ва ёқутдек жилғалар товланиб ётган бутазорлари, мағрур йўлбарслари-ю, кумуш туёқли оҳулари, беҳисоб гор ва унгулари, аждодларимизнинг моҳирлик билан қўйишларга қизиб қолдирган расмлари — дастхатлари... Ноёб археологик топилмалар қадимий Паркентнинг тарих тоғларига урилиб, бизгача етиб келган акс садоларидир. Улуғ олимларнинг географик асарларида Паркент ва қўшни қишлоқлар номларининг турли кўриниш ва талаффузларда қайта ва қайта айтиб ўтилиши, ҳатто қадимда ҳам аҳолининг сингли ўйлар қуриши ҳақидаги тарихий далиллар... Не-не улуғ зотлар, хусусан,



Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ шоир ва шўхнинг Паркентда бир неча бор бўлиши, охириги келишида туманнинг Сомсийрак — ҳозирги Самсарак худудида тўхталиб, сўнгра

узилолмай кетаётган нигоҳлари мени кузатиб тургандай бўлаверади... Бугун эса кўҳна Паркент янги тарихи билан юзма-юз турибди. Худди эртақлардагидек... Президентимизнинг яқиндаги Паркент туманига ташрифи халқ тилаганидек қўтлуғ ташриф бўлди. Бу ташрифга йиллар мобайнида силжитиб бўлмайдиган қўйиш кўринишига келиб қолган, халқни қийнаётган муаммолар бирма-бир диққат билан, синчиклаб ўрганилди. Бу муаммоларнинг илдизи Паркент тумани Юқори Чирчиқ туманига қўшиб юборилиб, узоқ йиллар "қўл билан берганга қўш тўймас" қабилада иш тутилгани, одамларнинг арзимаган иш учун икки туман ўртасида сарсон сарғардон кешишлари, ширин-шакар узумлар маскани бўлган Паркент аҳолисининг қозон қайнатиш учун бошқа туман даладарига бориб, гектар олишлари оддий ҳолга айланиб қолган эди. "Бизнинг ҳам косамиз оқармамикан?" — дерди халқ. — Бошимиздан оғтиб ўтиб кетди-ку!" Одамзод бир ишга қўл урса-ю, натижа бўлмаса, ҳафсаласи сўнади, кўнгли совийди. Узоқ йиллар халқ шундай кайфиятда эди. Ҳар баҳорда Чотқол чўққиларидан отиладиган шаршаралардан куч олиб, баҳор қору ёмғир-

лари билан қўшилиб, жиловлаб бўлмайдиган асов кучга айланади. Сел Паркентнинг қўқ ўртасидан оқиб ўтадиган Паркентсой устига қурилган омонат кўприкни неча бор оқизиб кетар, икки қирғоқ атрофида яшайдиган аҳоли билан борди-келди тўхтар, муаммо муаммолигича қоларди. Ташландиқ ҳолга келган, сел ўпирган қирғоқлар юриш учун хавфли эди. Муаммоларнинг залворли тошларини кўзга-тиш янги, мустаҳкам, кенг, чиройли кўприк қурилишидан бошланди. Бу кўҳна Паркент кўксига хуш насимларнинг илк бор эсиши эди. Ҳозир тўрт томонга қараб баҳри дилингиз очилади. Тор кўприкнинг эни 12 метрдан 21 метрга кенгайтирилди. Пиёдалар йўлакчасидан она-жонларининг қўлидан ушлаб, ўйноқлаб кетаётган болажонларга қараб, юрагингиз қувончдан ҳаприқади. Паркентсойнинг 4 километр қисми тўлиқ бетонлаштирилиши, сой четида 5 километрлик янги йўл қурилиши — булар бари халқимиз кутган янги кўннинг шуълаларидир. Туман марказидан ўтган асосий кўчага ёндош бу янги йўл бир кеча-кундузда ўн минг автомобилнинг узогини яқин қилади. Тирбандликнинг олдини олади.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ЖУРНАЛИСТЛАР “ТЎДАКЎЛ”ДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамда “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси ҳамкорлигида Қизилтепа туманидаги “Тўдакўл” дам олиш масканининг туризм салоҳияти, амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, аҳолига яратилаётган қўлайликлар билан оммавий ахборот воситалари вакиллари яқиндан таништириш мақсадида бир гуруҳ журналистлар иштирокида пресс-тур ташкил этилди.



Оммавий ахборот воситалари вакиллари “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси тасарруфидидаги ушбу масканда дам олувчилар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туризм инфратузилмаси объектлари билан танишди. 74 ўринли меҳмонхона, 196 ўринли коттежлар, пляж, сузиш ҳавзаси, спорт майдончаси, балалар майдончаси дам олувчиларга мунтазам сифатли хизмат кўрсатади. Бу имкониятлар маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, — дейди “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси ахборот хизмати раҳбари Санжар Курбонов.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

Бир пайтлар ўқитувчининг ҳар бир сўзи насиҳат, ҳар бир ҳаракати ўрнатилган қабул қилиниб, устознинг қаршида бошлар эгик, нигоҳлар ерга қадалган бўларди. Аммо сўнгги пайтларда бу муқаддас зот — устозга нисбатан жамиятда қуракда турмайдиган муносабат шаклланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўқитувчиларга нисбатан ҳақорат ва ўравонлик ҳолатларини кўриб, эшитиб, чин маънода бу аламли манзараларга кўникиб ҳам улғурдик. Бундай ҳолатлар нафақат мактаб муҳитини, балки жамиятдаги маънавий меъёрларни емириши мумкин.

ЎҚИТУВЧЕНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

ЎЙЛОВСИЗ ОТА КАСОФАТИ
Бухоро шаҳридаги 34-мактабда юз берган жомародан ҳамма хабар топиб бўлди. Тарқалган видеоёзувда 4-синфда таҳсил олаётган ўқувчининг отаси синф хонасига бостириб кириб, фарзандини хаффа қилган бир неча ўқувчини калтаклаётгани акс этган. Ўзравон ота судга тортилиб, унга БҲМнинг 5 баравари миқдорда жарима жазоси қўлланилди. Аммо қарордан норози бўлган ота-оналардан бири видеоёзуви олиб, тармоққа жойлаштирган. Натижада мактаб директори, унинг ўринбосарлари ҳамда қоровул ишдан бўшатилган. Синф раҳбаридан ариза олинган, унинг ишда қолтиш-қолмаслик масаласини мактабнинг янги директори ҳал қилади. Аслида нима бўлган? Биз ушбу воқеа юзасидан суриштирув ўтказдик. Видео ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан кескин танқидга учради. Одамлар давонгирдай бир эркакнинг ёш болалар билан тенглашгани, уларни аёвсиз калтаклаганидан даргазаб бўлди. Ўқитувчиларнинг ҳаракатсизлигиндан норози бўлганлар ҳам бор. Дилфуза Алимова салкам ўттиз йилдан бундан ёш авлодга бошланғич таълимдан сабоқ бериб келади. Шу вақтга қадар унинг синфида бирон мартаба бу каби ҳолатлар кузатилмаган, ота-оналар ундан норози бўлишмаган.

“Ўша кун аҳолим жуда ёмон эди: бошим қаттиқ оғриётган, қон босимим кўтарилганди. Шифокорга боришни уйладим, лекин ўринимни босадиган ўқитувчи топилмади. Дарс қолмаслиги керак. Юклама ҳам бор... Қисқаси, ўқитувчининг касал бўлишига ҳам ҳаққи йўқдек. Кун жуда иссиқ эди. Ташқарида тўрт нафар бола ўзаро тортишиб қолган, лекин мен бу воқеадан мутлақо беҳабар бўлдим. Ўқитувчиларнинг ҳаракатсизлигиндан норози бўлганлар ҳам бор. Дилфуза Алимова салкам ўттиз йилдан бундан ёш авлодга бошланғич таълимдан сабоқ бериб келади. Шу вақтга қадар унинг синфида бирон мартаба бу каби ҳолатлар кузатилмаган, ота-оналар ундан норози бўлишмаган.

ФАОЛИЯТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЯНГИЛАНИШ РУҲИДА

Урганч давлат педагогика институтида салоҳиятли мутахассислар тайёрланмоқда



... Яқинда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида “Ўзбекистон — Буюк Британия таълим форуми” доирасида Урганч давлат педагогика институтининг “Norwich Institute for Language Education” ўрта-сида ўқув жараёнлари ва илмий соҳадарли йўналишлар бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланди...

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

Нақд пулда уй-жой сотиш ва харид қилишга чек қўйилармиш...

Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Мубин Мирзоев маълум қилишича, уй-жой операцияларини фақат банк орқали амалга ошириш бўйича Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Яъни, энди мулкни сотиш ёки сотиб олишда нақд пулдан фойдаланиш тақиқланади, барча ҳисоб-китоблар фақат тўлов тизимлари (банк, “Payme”, “Click” ва б.) орқали амалга оширилади.

@platformauzb

ЎҚИТУВЧИНИ

КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

“БОЛАЛАР УРИШГАНДА, КАТТАЛАР ЎРТАГА ТУШМАСИН!”

1-6-синф ўқувчилар учун дарслар одатдагидек бошланганди. Мактабга бир киши келиб, ўғлининг шу мактабда ўқишини айтиб, унинг устозини кўришни хошлаётганини билдирган. Қоровул уни синфга бошлаб борган. Кейин эса ўз жойига қайтган. Бир неча дақиқадан сўнг синфда шовқин ва куй-чув кўтарилган. Бу ҳолатни эшитган қоровул яна синфга қайтади. Айни пайтда вазият тарангланган, ота ўзини идора қилолмаган. Воқеалар ривожини бундай тус олишини на синф раҳбари, на бошқалар кутмаганди. Улар масалани ўзаро муҳокама қилиш ниятида бўлишса-да, отанинг қаттиқ асабланиши ва эўравонликка мойиллиги ҳаммани ҳайратта қолди.

Қоровул ўша пайт раҳбарият мажлисда бўлганини айтиди. У синф раҳбари ҳақида илқик фикрлар билдириб, уни вазмин, болаларни сезувчи, масъулиятли шахс сифатида таърифлайди. Бир одамнинг ўйловисиз ҳаракати сабабли бу каби устознинг йиллар давомида тўплаган обрўсига пўтур етаетганидан хафа бўлади.

Жанжалкаш ота ҳақида билишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишча, у бозорда улғуржи савдо билан шуғулланади, асосан, сабзавот сотади. Яқинда хотини билан ахрашган. Ўғли унинг қарамонига қолган. Икки йил аввал Шаҳзод бошқа мактабдан шу мактабга кўчирилган. Дилшод исмли ўқувчи ҳам ўша мижорда бўлган. У болалар уришгани тафсилотларини айтган экан, Шаҳзоднинг отасига “Ўғлингиз озги қон, ҳушисиз ётибди”, деган ваҳимали хабарни етказмаганини идадо қилди. Онаси Гулшайм Жўраева ҳам суҳбатга қўшилиб, бу воқеа сабаб мактабнинг ва устозларнинг ёмонотлиқ бўлгани, уларга нисбатан кескин чоралар қўлланилганини танқид қилди.

— Бу иш ошиб тушди. Болалар уришади, кўп ўтмай ярашади. Аммо ота-оналар бундай вазиятларда жажл билан эмас, ақл билан ёндашиш керак, — деди у.

Телефон орқали боланганимизда, Шаҳзоднинг отаси Бекзод Шукуров гаплаганини истамди. “Алоқа йўқ, гапларингиз эшитилмапти. Кейинроқ ўзим кўнгироқ қиламан”, деди ва телефонни ўчириб қўйди.

Мижорда иштирок этган болалар — Шаҳзод, Бурхон, Самир ва Шехран — доим ошна бўлиб юришган, кўпинча бирга ўйнашган.

Устозлари отаси болани талтайтирганини, қўлига қимматбаҳо телефон ва кўп пул бериб қўйганини айтишди. Тендосларни ҳар кунни ўзлари билан 5-10 минг сўм олиб келишса, у 50-100 минг олиб келган. Отага бир неча бора эътирозлар қилинса-да, у бунга парво қилмаган. Бу ҳаракатларини ўғлини ўзига қаратиб, онасидан узоқлаштириш учун қилаётганини айтган. Бу эса боланинг ҳулқига таъсир ўтказмай қўймади. Унинг ўзини туттиши, муомаласи ўзгарди. Тенгқурларини менсимайдиган, уларни ҳақорат қиладиган одат чиқарди. Тегмангага тегиб, индамангани сўйиб юртани учун бошқалар билан тез-тез зиддиятга бориб юрарди.

Боланинг ҳулқига салбий ўзгаришлар ву-жуда келишида, энг аввало, отанинг ўзи ҳис-сатор эканлигини аёнлашди.

“БИЗГА АДОЛАТ КЕРАК!”

Азиза Рамазонаева — жабрланган ўқувчилардан бири Бурхонжоннинг онаси, ҳуқуқни му-

ҳофаза қилиш органи ҳодимаси. Судда фақат у иштирок этган. Унинг сўзларига қулоқ тутдик. — Болам билан боғлиқ ҳолат юзасидан тарқалган “уч нафар бола урибди” деган даъво мутлақо асоссиз, — дейди А.Рамазонаева. — Профилактика инспекторлари 7-8 нафар гувоҳ ўқувчи билан алоҳида суҳбатлашиб, воқеа тафсилотини аниқлашган. Маълум бўлишча, Шаҳзодни Самир исмли бола ҳақоратли сўзлар сабаб урган. Аламига чидалмаган Шаҳзод Дилшод исмли ўқувчига отасига кўнгироқ қилдириган. У эса: “Ўғлингиз ҳушисиз ётибди, озгидан қон оқияпти”, деб қақирган. Шу тарзда воқеа бошланган. Аммо мактабга келган ота вазиятни аниқлаштирмасдан болаларни калтакаган.

— Судда нега фақат ўзингиз қатнашдингиз? — Аниқ сабабини билмайман, аммо, менмича, бошқа ота-оналар атай четлатилган. Судья видеоёзувни кўргач, аввалига қаттиқ ғазабланганди. У зўравон отага боласини қолдирмаслик, уни буниси тарбиясига бериш кераклигини айтди. Аммо кейинчалик у профилактика инспектори ва ўша ота таниши билан суҳбатлашган, муносабати ўзгарди ва зўравонга фақат 5 БҲМ миқдорига жарима тайинланди. Ахир видеода жиноят мотиви аққол кўриниб турибди-я! — Тиббий экспертиза ҳулосасидан норозии экансиз?

— Ҳа. Болаларни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалига олиб бораганимиз. У ерда “юмшоқ тўқималар шикастланиши” тахжиси қўйилган. Экспертиза шу асосда ҳулоса чиқариши керак эди. Аммо “балоям урмаган” қабилида ижобий ҳулоса берилди. Бошқа ота-оналар судга қақирилмагани ҳам мен учун оғриқли бўлди.

— “Жазо берилди, бўлди. Тагин нима керак?” дейдиганлар бор. Жавобингиз?

— Менинг устозларга ҳеч қандай даъвоим йўқ. Аммо болаларни ваҳшийларча урган ота муносиб жазага тортилиши шарт. Пулдор одамга жарима қор қилади, деб ўйлайсизми? У шунчаки пул тўлаб, қутулиб кетса, эртага яна шундай қилмаслигининг қафолати йўқ.

Болалар ҳозир ҳам кечалари кўрқиб ўйонади. Бошқа болалар ҳам руҳий зарба олган. Менга адолат керак. Болаларнинг ҳуқуқлари тикланишини истайман! — деди Азиза Рамазонаева.

Онанинг гапларида жон борга ўхшайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг безорилик ҳақидаги қарориди жуда аниқ таъриф бор: “Безорилик — жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсини уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзанинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Унинг барча оқибатлари бир вақтда мавжуд бўлиши шарт эмас”.

Яна шундай қўшимча қилинади: “Судлар безорилик жинояти билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмиш майда безориликни бир-биридан фарқлашлари керак”. Шунинг ўзидек воқеага жиноий баҳо бериш учун етарли, дейиш мумкин.

ДАРДИНГИ ҚУДУҚҚА АЙТ, МУАЛЛИМ!

Шу ўринда Бухоро вилоят мактабига ва мактаб таълими бошқармасига бориб, мазкур воқеа юзасидан уларнинг муносабатини ўрганишга ҳаракат қилдик. Бошқарма раҳбари

Ҳамза Эпиев айна пайтда “ZOOM” орқали йиғилишда иштирок етаетгани маълум бўлди. Шунга қарамай, масъуллар орқали журналистнинг шахсияти, қайси нашр номидан келгани ва материал мақсади ҳақида маълумот олиб, саволларимизга жавоб қайтарилган тайёр эканлигини билдирди.

— Бухоро шаҳридаги 34-мактабда содир бўлган воқеа ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлди. Бошқарма томонидан мактаб масъулларига нисбатан кескин чоралар қўрилди. Бу қандай асосланади?

— Бопа тақдир — бизга халқ томонидан ишониб топширилган масъулият. Унинг таълими, тарбияси ва ҳавфсизлиги учун жавобгарлигини биз ўзимизга олганмиз. Шу масъулиятга ҳиёнат қилган ҳар қандай шахсга кескин чора қўриш — бизнинг бурчимиз. Бу ҳақда мактаб маъмурияти томонидан жиддий эътиборсизликка йўл қўйилиши оқибатида юзага келган.

— Ҳар қандай тизим ўз кадрларини ҳимоя қилиши керак. Акс ҳолда, ҳодимлар кимга суянишни билмай қолади.

— Албатта, биз ҳам ўқитувчини ҳимоя қиламиз. Лекин бу ҳимоя у масъулиятини англаган, ўз бурчини сидқидилдан бажараётган ҳолдагина бўлади. Агар ўқитувчи ёки маъмурий ўз вазифасини бажаришда бепарво бўлса, биз, аввало, ўқувчининг манфаатларини ҳимоя қиламиз.

Таълим муассасасида ҳар бир бола ўзини ҳавфсиз ва ҳимояланган ҳис этиши шарт. Бу борада мактаб раҳбарияти ва ҳар бир педагог ҳодим тенг даражада жавобгар ҳисобланади. Шунинг учун таълим тизимида масъулиятсизликка йўл қўйган ҳар қандай ҳодимга нисбатан кескин жаза чоралари қўлланилиши мўқарардир.

Кимдир директорга, унинг ўринбосари ёки ўқитувчига ачинар. Улар “бекорга ишдан олинди” дейишлари мумкин. Лекин шунинг унутмаслик керак: гап болалар тақдирини ҳақида кетяпти. Шу боис биз бу ерда болаларни ҳимоя қилдик.

— Шу билан бирга, ишдан олиш мавжуд муаммоларни ҳал этади, дейиш қийин. Бундай чора келажакда бу каби ҳолатлар тақороланмаслигига қафолат бера оладими?

— Албатта, беради. Чунки бу барча мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларга сабоқ бўлиши керак. Улар доимо ҳушёр ва масъулиятли бўлиши шарт.

Саволлар қўп... Ўқитувчини эмас, болаларни ҳимоя қиламиз, деган баланларавоз жавоб, очини, ўйлан-тириб қўйди. Тўғри, болани ҳимоя қилиш — ҳар қандай тизимнинг бош мақсади бўлиши керак. Аммо шу ерда бир савол туғилади: болани кимдан ҳимоя қилиш керак, жано? Ўқитувчиданими?

У ҳолда ўқитувчи кимга суянади? Уларни ким ҳимоя қилади? Ҳўп, таълим бошқармаси устозларини ҳимоя қилмас экан, буни тушундик. Уларга тирак бўла оладиган мактаб директори, ўринбосарлари ва жамоат бирлашмаси ҳисобланган касба уюшмаси бор-ку, ҳар қалай, деб турсак, не ажабки, улар ҳам ёлпасига ишдан олинган экан. Педагог дардини кимга ишдан унда?

Ҳўпас, гўё арининг уяси қовлангандек. Адолат тарозиси бузилгандек. Бир томонда — суднинг қароридан норозии ота-оналар, иккинчи томонда — айбисиз айдоғга айланган, ҳаловатини йўқотган мактаб ўқитувчилари.

Ҳамзабек ТУРДНЕВ, журналист.

ЖУРНАЛИСТЛАР “ТЎДАКЎЛ”ДА

1-6-синф

Тадбирда журналистлар ушбу “Ёё-2025” мавсумида дам олувчилар учун яратилган янги имконият ва қўлайликлар, ҳавфсиз ҳордиқ чиқариш учун алоҳида кўриқлаш, махсус медперсонал, фавқулодда вазиятлар хизматлари фаолияти ҳамда 50 нафарга яқин мавсумий ва доимий иш-

чи-ҳодимлар учун қуриб фойдаланишга топширилган ётоқхоналар шароитлари билан ҳам танишдилар. Шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Қўл манзаралари билан уйғун кечган тадбир оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қизиқарли ва мазмунли, таассуротларга бой бўлди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ҲАММАНИНГ ИШИ

Нукусда Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинимаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими томонидан “ОАВ ва ННТларнинг жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги ўрни ва роли” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинимаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра-суҳбатининг асосий мақсади — оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини самарали ўрнатишдаги ўрни ва ролини ҳар томонлама таҳлил қилиш, мавжуд имкониятлар ва муаммоларни муҳокама этиш, ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадбир давомида оммавий ахборот воситалари ва но-



давлат нотижорат ташкилотларининг жамоатчилик назоратини ўрнатишдаги ролини янада ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди ҳамда бу борада чора-тадбирлар белгиланди.

МАТБУОТ БАЙРАМИ САМАРҚАНДАДА ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тантанали маросимга самарқандлик журналист ва блогерлар, матбуот котиблари ва матбаачилар, соҳа фахрийлари таклиф этилди.

Дастлаб ижодкорлар шаҳардаги Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғида улғу аллома ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.



Вилоят музикали драма театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев драмаси асосида сахналаштирилган “Маҳмудхўжа Бехбудий” спектакли намоиш этилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

АЧЧИҚТОШ



ШАҲАРГА СИҒМАЁТГАН БОЛАЛАР

Мени кўпдан буён бир савол ўйлантиради. Биз болажон халқимизми? Кимгадир эриш тулар бу савол, кимнингдир энаси қотлар, лексин ўйлашимизча, бу ўрта жиддий ва оғриқли савол. Халқимиз болажон халқилеи рости. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида миллатдошларимиз бағрикенглик намунасини кўрсатиб, халқимиз шаънини юксакларга кўтарган. Бироқ кейинги ўн йилликларда мамлакатимизда қашшоқлар ва бойлар тўдасига бўлиниб, ўртадаги чоҳнинг тобора чуқурлашиб бораётгани айнан болалар тақдирини ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тиббиёт қоидаси бўйича болалар ўз танасидаги маълум энергиясини ҳар кун турли хил ҳаракат ва машғулотлар билан чиқариб турмаса, аста-секин ўша ичидида мавжуд димланган энергия уни ёб бошлайди. Бу эса кейинчалик бола ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Ҳозир бизда болаларнинг мириқиб ўйнашлари ва жисмидаги энергияни чиқаришлари учун спорт майдонлари борми? Буён биз гўрига йиш қалаётган собиқ иттифок даврида айнан шу масалага жиддий эътибор қаратилган. Кўп қаватли бинолар орасида махсус болалар майдончалари учун жой қолдирилган. Ибтидоий бўлса ҳам баъзи бирлари ҳижозлаб кетилган. Буён эса “дом”лар орасидаги спорт майдонлари ўрнини “любав бизнес хорошо” шиори асосида осмонлар бинолар эгаллади, тасодифан кўздан қочиб

қолган жойларни катта-кичи хусусий машиналар, сотиладиган дўконлар босиб кетди. Ҳеч жойга арзи ўтмайидиган, арз қилишдан йироқ бечора болалар кўлларидеи тўпларини кучоқлаганча ўйнаш учун жой излаб юрибди. Агар бундайроқ жойда ўйин бошлашса, машинасига тўп тегушидан ваҳимга тушган “амаки” ва “хўла”ларининг болаларга бақирғи оламини тутайди. Кўриб турибсиз, болаларимиз шаҳарга сиғмай қоляпти.

Кунчи кеча Учтепа туманидаги 295-мактабнинг жануб томонидида кўп қаватли бинолар орасидаги мундайроқ жойда болалар энди ўйин бошлаган ҳам эдики, битта “ақлли” ҳайдовчи амаки болаларга ўзича танбех бериб, “бошқа жойда ўйнанглар”, деб ҳайдаб юборди. Тўғри, яқинида футбол майдончаси бор, атрофи баланд қилиб тўр билан ўралган. Пуллик ўйин майдони. Лекин бу майдонларда ўйнаш учун болалар пулни қаврдан олади? Туман ҳокимлари, маҳалланинг оқсоқол-раислари айнан шу оғриқли масалага жиддий эътибор қаратишлари керак. Яхшидан шарофат, ёмондан касофат, деганларидек, пулпараст айрим амалдорлар, ҳеч бўлмаса, шу масалада ИНСОН бўлиб, ИНСОФга келинлар. Биздан худбинлик тарбиясини олган болалардан қандай қилиб эртага ШАҒҚАТ қутиш мумкин?

ОЧИЛ ТОХИР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

ЁЗ ФАСЛИ МАЗМУНЛИ ЎТСИН, БОЛАЖОН!

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида Қўқон шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига тизимидаги 47 та умумий ўрта таълим мактаби, 55 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, шунингдек, нодавлат таълим ташкилотлари ва “Баркамол авлод” болалар марказида 1 июндан 30 августгача мактаб ўқувчилари ва уюлмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни соғломлаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш ишлари алақадоран бошлаб юборилди.

Шаҳардаги оптита умумий ўрта таълим мактабларида кундузги оромгоҳлар ташкил этилди. Барча мактабларда ахборот технологиялари, спорт, чет тиллари ва касб-хунарга ўргатувчи тўғараклар қизғин фаолият юритмоқда. Уларда опти мингга яқин ўқувчилар ўз билим ва дунёқарашларини бойитишмоқда.

“Қувноқ” стартлар”, шахмат-



шашка, мини-футбол каби спорт мусобақалари шаҳар ва вилоят миқёсида ташкил этилаётгани эса ўқувчи-ёшларни янада иштилошга ундамоқда.

Спорт-соғломлаштириш, маданият-маърифий тадбирлар, тасвирий санъат дарслари, китобхонлик, кино соатлари орқали болажонлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

— Болалар тўққиз ой давомида мактабда таҳсил олишиди. Эндиликда таътил кунларини

мазмунли ва соғлом ўтказишлари муҳим. Мактабларда соғломлаштириш майдончалари, тўғараклар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Оромгоҳларда болалар бир марталек иссиқ ноушта билан таъминланади,

— деди Қўқон шаҳар ММТБ бошлиги И.Мирзаева. — “Долзарб 90 кун” тадбирларига старт бериш аввалида шахримиздаги 25- ва 44-умумий ўрта таълим мактабларида намунали семинарлар ташкил этилиб, унда ёз

давомида эътибор қаратиш зарур бўлган муҳим жиҳатлар ама-лиётда кўрсатиб берилди. Шаҳримиздаги “Коинот” ва “Роҳат” ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига педагог ҳодимларнинг фарзандлари иштилошга жалб қилиниб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга эришилмоқда.

Ҳар ҳафта истироҳат боғларида ташкил этилаётган кўнгло-чар концерт дастурларида педагоглар ҳам оила аъзолари билан қатнашиб, мароқли ҳордиқ чиқармоқдалар.

Бу ташаббус ота-оналар томонидан ҳам мамнунидан билан қутиб олинди. Ёзги мавсумда ҳам болаларга илм ва ҳунар ўргатаётган устозлардан улар миннатдор бўлишмоқда.

Қўқонликларни қувонтирган яна бир воқеа 15-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари жамоаси “Турон” мактаб театри беллашувларининг республика босқичида иштирок қилипти.

Ёзининг иссиқ кунлари давомида болаларга салқин ва баҳаво жойларда дам олиб қувнаб-яйрашлари учун яратилган муносиб шароит келгусида иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш уларни нафақат шахримиз, балки бутун мамлакатимизга танита оладиган муносиб фарзандлар қилиб камол топишни мақсад қилганимиз.

Мақкур ташаббус келажак авлоднинг соғлом, билимли ва фаол бўлиб улғайиши учун муҳим замин яратаяди, албатта.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
“Hurriyat” муҳбири.



УЛУҒВОР ЎЗГАРИШЛАР УЧУН УЙҒОНАЙЛИК!

ёки Президентимизнинг Паркент туманига таширифидан кейинги ўйлар

1-6

Сел ўпирадиган жойда кўркам “Паркентсой” аҳоли массиви қад ростлапти. Президентимиз дастлаб ушбу массивга келиб, бу ерда тез фурсатда қад ростлаган 27 та кўп қаватли кўркам уйлардаги янги хонадонларда яратилган шарт-шароитларни синчиклаб кўздан кечирдилар. Умумий майдони 6 гектарни ташкил қилган сув ювиб кетган ҳудудда 5 минг 500 хонадонни ўз ичига олган, умумий сони 125 та кўп қаватли турар-жой қурилмоқда. Бу массив “Паркент-сой”нинг кўрқига яна кўрк бағишлаган. Бу лойиҳалар “БИЗ ИНСОН ОМИЛИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ”, деяётгандек. Дунёнинг қайсидир давлатларида қирғинбарот уруш она заминнинг покиза ҳаволарини бўлгаётган, тинчлик сўраб, Аллоҳга тинимсиз тавалло қилаётган оналарнинг кўксидан гүлдек гўдақларини юлиб олиб, ажал қомига тортаётган бир дамда биздаги осуда дамлар, отаётган оппоқ тонлар ҳаққи Яратганга беҳишоб шуқурлар қилишимиз керак, азиз замондош!

Президентимиз Паркент туманида туризми ривожлантириш мақсадида қиймати 1 миллиард 800 миллион доллар бўлган 52 та лойиҳа амалга оширилиши ҳақида ҳам тўхтаганларида, кўз ўнгимда Учинчи Ренессанс тилсимларининг яна бир саҳифаси очилгандай бўлди.

Сайёҳлик тизими Ўзбекистонимизни дунёга янада яқинроқ танитиш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Жаннатмакон ўлкамиз, тоғларимиз, Масиҳ нафасли ҳаволаримиз, минглаб чулдиқроқ булоқларимизнинг шиғобохаш сувлари... кўкка бўй чўзган минорларимиз, қадимий, тарихий улуғ обидаларимиз... Булар бари сайёҳлар ўқиши зарур бўлган буюк китобларимиздир.

Одатда, оммавий пиёда юриш саёҳатлари бетакорр тоғли табиат, улуғ дарёлар, мовий кўл, сув омборлари соҳиллари каби ҳушманзарали жойларда ташкил қилинади. Бундай масканлар Тошкент вилояти, хусусан, Паркент туманида жуда кўпلىги халқимизнинг табиат қўйнида ором олиб, сўлим, гўзал манзарали жойларда тунаш, овқатланиш, спорт билан шуғулланиши учун имконият яратди.

Президентимиз туризм истиқболи ҳақида тўғрилиб, 100 гектар ерда барпо қилинажак туризм объектларини алоҳида қайд қилиб ўтдилар. Йил якунигача фойдаланишга топшириладиган “Байтўрғон-Паркент” йўналишидаги электрлаштирилган темир йўлнинг қурилиши ва электр поезднинг ишга тушиши Паркент тумани халқи учун бебаҳо тўхфадир.



“Хоҳишнинг нур эрса, нурга оч қучоқ”, — дейдилар мавлоно Жалолиддин Румий.

Президентимизнинг яқинда вилоят ва Паркент фаоллари билан кечган суҳбатидан инсон қалби, унинг фикратидидаги нурнинг улуғ яратувчанлик қудратига эга эканлиги, агар хоҳиш бўлса, Паркент халқи улуғвор ўзгаришлар учун уйғониши кераклигини аниқладим.

Бир ҳовлида уч-тўрт келинлар билан қийналиб қолаётган ҳамюртларимиз бўладими, моддий ёрдамга муҳтож ёлғиз инсонлар бўладими, халқни рози қилиш давлатимиз, ҳукуматимиз олдидаги муҳим вазифа эканлигига тўғрилиб ўтди. Сўқоқ каби қишлоқларда беш-етти қаватли уйлар қуриб зич яшайдиган оилаларга тақсимлаб, томорқасини ўзларига қолдириб, экин-тикин учун имкон яратиб бериш заруратини айтиб ўтдилар. Маълумки, Паркент туманига қуёш йил бўйи 3000 соатдан зиёд нур улашади. Янги қуриладиган уй томлари тепасига давлат томонидан қуёш панеллари ва геокolleкторларнинг ўрнатилиши муҳим тажриба бўлиб, бу амалиёт Паркентда бошланиб, Паркент тажрибаси сифатида келажақда оммалаштирилиши айни мудоаодир. “Оламга қуёш Япониядан чиқса, Ўзбекистонга Паркентдан чиқади!” — дедилар Президентимиз. Паркент халқига берилган бундай баҳо айни пайтда Ўзбекистон халқига берилган баҳо эди.

Президентимиз Янги Ўзбекистон шарафини

Овлоқ далаларда ўчмаган изим,
Ўсма, ёшлигингман, деб жилмаяр ним.
Эртақданмас, тоғдан — хув, тизим-тизим,
Чинакам юрт сеҳрини туйиб улғайдим, —

деб ёзади Паркентнинг Усмонбек деган шоир боласи.

Бир пайтлар фойдали қазилмалари вагон-вагон бошқа юртларга юборилган Кумушконнинг вақтлар келиб, дунё талпинадиган сайёҳлик масканига айланиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз! Бугунги кунда “туризм қишлоғи” деб ном олган Кумушконда “от ўрини той босар”, деганларидек, отасининг ишини муваффақият билан давом эттираётган Олим Юсупов 16 ўринли меҳмон уйини 48 ўринга етказди. Саранжом-саришта, ҳар бир жиҳозидан миллийлик уфуриб турган хоналар меҳмонни ўзига оҳанрабодек тортади. Ҳовли саҳнида хўш ифорини таратган райхону жамбиллар, барқ уриб очилиб ётган гуллар ўз уйингиздаги каби ором беради. Ҳар йили икки минг сайёҳ роҳатланиб дам олиб



дунёга сиёсий ирода билан кўрсатмоқда. Паркентда бўлаётган улуғвор ўзгаришлар бунинг яққол далилидир.

Мен Чотқол бағрида яралган куйман,
Шудринларга кўнглим чайиб улғайдим.
Жўшқинлик тиладим шалолалардан,
Харсанларга исимим уйиб улғайдим.

Майин барглари силаб андизни,
Кузатдим меҳрини — ерга илдизни.
Ялпиз терганлардан асраб ялпизни,
Ариқчага тўшақ ёзиб улғайдим.

кетади. Олимжон етти кишини иш билан таъминлаган.

Фарзандлари ёнида унга қўшқанот. Президентимизнинг тадбиркор хонадонига ташрифи, берган зарур ва фойдали маслаҳатлари Олимжоннинг ҳаётидаги янги саҳифанинг ёзилиши, амалга оширажак режалари йўлида яратувчанлик имкониятлари эшигининг кенг очилишидаги муҳим қадам бўлиб қолади.

Кумушкон ҳудудидаги тоғларга туташ жойда бунёд этилган интенсив боғга ташрифнинг ўзи бир дoston бўлгулик. Гилос, олма, нок ва ма-

линалар ҳосили кўзни қувонтириши Янги Ўзбекистонимизнинг янги боғларидаги меваларидир.

“Meridian Tempo” корхонасига қарашли ушбу 54 гектар боғда етиштирилган сархил мевалар дунё халқлари дастурхонига Ўзбекистон меваларининг тотини элтади. Франция ва Испаниядан келтирилган қўчатлар Ўзбекистон тупроғига — иқлимига мослашади. Ўзини ўзи чанглайди. “Ақлли” агрегатлар уларни бошқаради: ерининг нами қочса, автоматик равишда сугуради. Тоғларнинг салқин ҳавоси меваларни кеч етиштиради. Қуёш панеллари нур йиғиб, боғларга улашади.

Етилган мевалар эса юз фоиз экспорт қилинади. Халқимиз: “Боғни боқсанг бўғ бўлади, ботмон даҳсар ёғ бўлади”, деб бежиз қаромат қилмаган. Боғ ўз боғбонининг меҳнатини даромад билан ардоқлайди.

Президентимизнинг Кумушконга елка тутиб турган туташ тоғларнинг “Олтин бел” чўққисидаги дам олиш масканига ташрифлари Паркент тоғларининг янада нурга тўлиб, порлаб отишлари йўлидаги имкониятлардан биридир.

Олтинбелни кўришни орзу қилмаган одам кам топилади. Аммо уни кўрганлар ҳам кўп эмас. Асрлар мобайнида пана тортди, кўздан ниҳон бу масканлар Янги Ўзбекистонимизга бағрини очди.

Бу ерда “Parkent mountain resort” тоғ-чанғи курорт зонаси ташкил этилди. Лойиҳада 1 та кўп тармоқли ташриф маркази, 7 та дор йўли, 7 та тюбанч йўли, 3 та тоғ-чанғи йўли, 4 та меҳмонхона, 40 та вилла, 4 қаватли автотурагоҳ, ресторан, вертолёт майдончаси, болалар майдончаси ва бошқа туризм объектлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу ерда Австрия компанияси томонидан 1 минг 200 гектар майдонда тоғ-чанғи курорти қурилиши режалаштирилган.

Лойиҳа уч босқичда амалга оширилади ва тўлиқ қувватда қунига 15 минг нафар сайёҳни қабул этилади. 600 га яқин сервис мажмуалари ташкил этилади, мавсумий хизматлар билан бирга, 10 мингга яқин иш ўрни яратилади...

...Президентимиз ташрифи... кўтлўғ ташрифи мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда. Дунёнинг энг илғор давлатлари Янги Ўзбекистон ва унинг муҳтарам Президентини қучоқ очиб қаршиламоқда. Гўё олам нурга қучоқ очгандай!

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
шоира.

КЕЧИҚМА

“ҲАБИБДАЙ ТУҒИЛИБ ҚИРҒИЗИСТОНДА...”

Бир умр хотирамда қолган. 1979 йилнинг 10 июли эди. Тошкентга — журналист бўлиш, катта қалам соҳибига айланиш орзусида отам билан йўлга чиқдик. Андижон вокзалидан ўтирган поезд Тошкент темир йўл вокзалига тонг саҳар келиб тўхтади. Ичи тўла китоблар ва бир-иккита кийим-кечак солинган чемоданни амаллаб кўтариб трамвай бекатида бордик. Сўраб-суриштириб Чигатой қабристонини ақинига борадиган трамвайга чиқдик. Чунки падарибузрукворим улуғ олим қабрини зиёрат қилишни ният қилган эди. Чигатой қабристонига етиб борганимизча аравонлик ҳамюртимиз Ҳабиб Абдуллаев ҳақида менга сўзлаб кетди. Аллоҳ берган ноёб икитидори бор, геология фани тилсимотларига ақл кўзи билан йўл топган олимнинг шу соҳа тараққиётига қўшган хизматларини эшитиб бордим.

Чигатой қабристонининг катта дарвозасидан кириб, икки томони арчазор йўлдан тўри борганда рўпарада Ҳабиб Абдуллаевнинг қабри жойлашган экан. Очиги, ўқувчилик даврларимда масжид нималигини ҳам билмаганман. Бисмиллоҳни овоз чиқариб айта олмасдим. Отам Қуръон ўқиб, қабристондаги марҳум ва марҳумалар қаторида ётган Ҳабиб Абдуллаевга бағишлаб узок дуо қиларкан, менга шундай деди: “Ўғлим, дўстимиз Ҳабиб ака мусофир, насиб қилиб ўқишга кириб кетсанг, Чигатойга тез-тез келиб, бу улуғ олимнинг қабрини зиёрат қилиб туришни унутма”.

Отам мактабда ўзбек тили ва адабиётидан оддий ўқитувчи бўлса-да, Алишер Навоийни илоҳий устозим деб юрарди. Чигатой қабристонига дафн этилган машҳур олимлар, ёзувчилар, шоирлар, тарихчилар, рассомлар, санъаткорлар асарлари ва ҳаёти ҳақидаги отамнинг айтганларини эшитиб ақлим шошарди. Отам ўқиган, билган нарсаларнинг мингдан бирини ҳам

билмаслигимдан уялиб кетардим. Шу тобда мени яна бир нарсга қийнар, безовта қиларди. “Ўқишга кира олармиканман?” дея хавотирга тушардим...

Биринчи мақолачам ўн икки ёшимда Аравон районининг қирғиз тилида чиқадиغان “Достук” газетасида босилган бўлса, ўнинчи синфни битираётганимда вилоят ва туман газеталарида чоп этилган қирқдан ортқ мақолаларимни альбом қилиб олиб келгандим. Ўзимча, мақолам кўп-у, албатта, ўқишга кириб кетаман, деб баланд парвозда юргандим.

Ўша пайтларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига ўқишга кириш амри маҳол эди. Синов имтиҳонлари ўтиб, ғалвир сувдан кўтариладиган пайтда, яъни мандатда атиги бир балл етмай ўқишдан йиқилдим. Кейин ўқишга кирганимдан кейин билдимки, курсдошларимнинг аксарияти уч-тўрт, ҳатто беш-олти йил йиқилиб-йиқилиб ўқишга киришган экан.

Ҳар тугул, отамнинг Иккинчи жаҳон уруши ногирони бўлганлиги ва Ўш вилоятидан эканлигим ҳисобга олиниб, университет ректори номига ёзган аризамиз эътиборга олинди. Раҳматли академик Тошмуҳаммад Саримсоқов университетнинг ўша вақтдаги ректори ва журналистика факультети декани Анвар Шомаксудовнинг ғамхўрлиги туфайли имтиёзли ўрин асосида ўқишга қабул қилиндим. Насиб этса, ажойиб инсонийлик фазилатларига эга бўлган ҳар икки устоз ҳақида алоҳида хотиралар ёзишни ният қилганман...

Хуллас, отамнинг айтганларига амал қилиб, мени йўқлаб Тошкентга келган қариндош-уруғларим бўладими, таниш-билишларимми ёки вилоятлардан келган мухлисларми, ҳамма-ҳаммасини аввало Чигатой қабристонига зиёратга олиб борадиган бўлдим. Мана, қирқ олти йилдирки, Чигатойга кириб турибман. Дўстларим билан кўришганда, “Чигатойга олиб боргандингиз”, деб эслашганда бир бошқача бўлиб кетаман...

Айниқса, одам боласи тобора ёши улғаявергач, бундай зияратлар моҳиятини чуқурроқ англайдиган бўлиб қолар экансан киши.

Отамнинг олиму уламоларга, фозилу фузалоларга муҳаббати туфайли Ҳабиб Абдуллаевни ўша вақтларда яхши билмасам-да, у кишига ғойибона ихлос қўйиб қолгандим. Унинг номини эшитсам, кўнглимга ёруғлик тушарди. Машҳур болалар шоири, раҳматли Турсунбой Адашбоев бор давраларда Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамрабоев каби геолог олимларнинг ақлу зиёси, илму ҳақиқати, миллату умматпарварлиги тилга олинарди. Билмам, энди ундай илм аҳллари яна дунёга келадики, йўқми? Олимлар-ку келар, аммо, илмни шахсий манфаатига нафсидан баланд тутадиган, покиза орифлар келармикин?

...1990 йилнинг баҳори эди. Собик шўролар иттифоқи қудратсизланиб бораётган бўлса-да, катта-кичикин ҳамон шўролар салтанати, Москвадан қўруқ хисси ҳали тарқ этмаган эди. Миллионга яқин нусхада босилаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети ва Министрлар Советининг органи бўлган “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги адади икки минг нусхага ҳам етмайдиган “Ўзбекистон овози”) газетаси собиқ Шўролар Иттифоқи таркибидидаги республикаларга ҳам етиб борарди. Шу вақтда газетанинг махсус мухбири сифатида Қирғизистоннинг Ўш вилоятига хизмат сафарига юборилдим. Ўша пайтдаги Аравон туман партия комитети биринчи котиби Муҳаммадсалим Султонов билан “Совет Ўзбекистони”да “Тилимиз ҳам, дилимиз ҳам бир” сарлавҳали суҳбатимиз босилди. Мақолачи “Аравонда тутилган машҳур геолог олим Ҳабиб Абдуллаевнинг номи абадийлаштирилса яхши бўларди”, деган тақлиф билан якунлаган эдим.

Газетанинг биринчи саҳифасида босилган мақолага икки ҳафта ўтмасданок Ўш вилояти Аравон райони партия комитетидан расмий жавоб хати келди. Унда Ҳабиб Абдуллаевнинг



номи туман марказидаги мактаб ва кўчага берилгани ҳақида хабар қилинганди.

Ўша вақтларда журналист сифатидаги тақлифим туфайли олимнинг номи мактаб ва кўчага берилганини оддий ҳол деб қабул қилганман. Бугун эса бу хайрли ишларимиз моҳиятини чуқурроқ англаб турибман. Номи абадийлаштиришга лойиқ унга яқин машҳурлар хусусида мақолаларимда шундай тақлифларим инobatга олингани хайрли иш бўлган, албатта. Эндилликда қадриятлар ҳам, оммавий аҳборот воситаларининг ўрни ҳам бошқачароқ бўлиб кетди. Номлар қўйиб, кейин ўзгартириб юбориш ҳеч гап бўлмай қолди. Тошкентда Ҳабиб Абдуллаев номи абадийлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ҳам ўзгариб кетди...

1992 йил июнь ойи эди. Андижон ёғ-мой комбинатининг дам олиш уйида бир гуруҳ адиб ва ижодкорлар билан тасодифан учрашиб қолдик. Аравондан Ҳабиб Абдуллаевнинг 80 йиллик юбилейини ўтказиб қайти-

шаётган экан. Улар орасида оташин шоир Шавкат Раҳмон ҳам бор эди. Ҳабиб Абдуллаев Ўрта Осиёда биринчи Ленин мукофоти лауреати бўлгани, собиқ Шўролар иттифоқи Фанлар академиясининг мухбир аъзоси эканлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бўлиб ишлаган пайтларда маҳаллий олимларга беқиёс ғамхўрликлар қилганлиги ва бошқа ибратли амаллари ҳақида шоир билан суҳбатлашдик. Олимнинг ўғли Пўлат Абдуллаев билан ўшанда биринчи марта кўришдик. У мақолам сабаб отасининг номи абадийлаштирилганидан мамнун бўлиб сўзлаганди.

...Суҳбаддама уйғониб кетдим. Ногаҳон Ҳабиб Абдуллаев ёдимга тушди. Эсим, ёш ҳам сўзини айтар экан, гоҳида хотира ҳам аввалгидек бўлмай қоларкан. Ахир 1962 йил 20 июнда Ҳабиб Абдуллаев вафот этган эди-я? Чигатойга — яна Ҳабиб Абдуллаев зияратига бордим. Ҳаётда англаб етган ҳикматим шу бўлдики, ўтганлар руҳига Қуръон оятлари бағишлаб ёд этиш — тирикларга ҳадя бериш билан баробардир. Аллоҳ иқтидор ола этган ориф зотлар, олимлар, уламолар, коммиллар, оқиллар ва авлиёлар мангу кўним топган жойларни зиёрат этган кишиларни худойимнинг ўзи қўлласин!

Шу эғзу ният билан дилим яна равшан тартади. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Суяма Ғаниева, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, академик Наим Каримов, отамнинг яна бир дўсти, болалар шоири Турсунбой Адашбоевларнинг қабрлари бошига бориб дуою фотиҳа қилдим. Қабристонни айланиб фикр қилдим.

Бу ҳаёт ўткинчи. Барча давру давронларнинг ҳам якуни бор. Лекин одамларга, элу халққа хизмат қилган инсонларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бугун ўларнинг макеий-ю обрўйдан баланд уйлар кураётганлар кам эмас. Майли, қуришсин. Лекин атрофидидаги йўқсил кишиларга, дардманд инсонларга, гоҳида муҳтож

кишиларга ҳам озгина эътибор қаратишса, давлатлари қамайиб қоладими? Доимо дилимдан ана шу ўйлар кетмайди. Мен билган, ҳурмат қилган юқоридаги улуғ зотлар каби инсонлар эса оддий, камсуқум яшаган. Аммо уларнинг қолдирган илмий мероси, асарлари яна неча асрларга татийди. Алам қиладигани эса бугунги кўпгина ёшлар, ҳатто ёшлари улуглар ҳам уларни танимайди, билишмайди. Ҳаётдан ахтарганлари билим, китоб, эзгулик, савоб эмас. Аксинча, ҳашам, дабдаба, катта бойликка интилиш.

Йимони бақувват инсон қабристонни кўриб, охирач унун хайрли амаллар қилиб қолиш ҳақида ўйлайди. Аммо шу ўринда яна бир гап. Бугун ҳатто Чигатой қабристонига кирган киши у жойдаги қўллаб дабдабали сағана-ю қабртошларни кўриб, қизқичи Аваз Охун ташаббур билан айтганда, “одамнинг ўлгиси келиб кетади”. Жамиятдаги тенгсизликнинг-ку чегараси қолмади ҳисоб. Ҳеч бўлмаса, қабристонларда банданинг бандига тенглиги сақлаб қолинмаса-я? Фоний дунёдаги тенгсизлик қабристонда ҳам бўй кўрсатиб турса, не дейсан?

Майли, сўзим улуғ олим Ҳабиб Абдуллаев ҳақида эди. Шунга қайтайлик. Олимнинг номи дунёга маълум. Ана шу фахр. Ҳаёт у туғилган Аравоннинг ширин-шакар анорлари, анжирлари доғуғи ҳам узоқ-узоқларга кетган. Билмадим, мўъжизами, тасодифми, олим қабр тошининг ўнг томонида бир туп анор ўсиб чиқибди. Қилбага қараб турган шохчасидаги бир дона мева бошини қуйи солиб, қабрда ётган марҳумга қараб тургандек. Гўё салават айтаётгандек...

Қайтар чоғим беихтиёр марҳум шоир Талъат Солиевнинг мисралари ёдимга тушди: “**Ҳабибдай туғилиб Қирғизистонда, улуғлаб ўтаман Ўзбекистонни!**”

Шоир худди дилимдагини ёзган экан.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

✓ **ЁД ЭТИБ**

ГАЗЕТАНИНГ ҲАЛОЛ НОНИ

(“Менинг отам” номли эссе-хотирадан парча)

Фахр билан айта оламани, бугунги ўзбек жур-налистикасининг ривожига отам – Эркин Са-мандарнинг муносиб ҳиссаси, ўрни бор. Журна-листнинг нигоҳи ҳам, қалами ҳам ўткир бўлиши лозимлигини, у эртани кўра олиши, жамиятнинг дарди билан яшаш зарурлигини мен отам тим-солида кўрганман.

1977 йилда отамни “Хоразм ҳақиқати” газе-тасининг бош муҳаррири лавозимига ишга так-лиф қилишди. Биз Хоразмга кўчиб келдик. Отам вилоят газетасининг нуфузини янада ошириш, одамларнинг дарду ташвишларини, муаммоларини олиб чиқиб, масъулларнинг эътиборини шунга қаратиш, уларнинг ечимини топиш, газета-нинг ўқишли бўлишига эришиш борасида ўзла-рини аямай ишладилар.

Ўша пайтда “Хоразм ҳақиқати” газетаси даврнинг ижтимоий муаммоларини бонг уриб кўтарувчи ма-қолалари билан халқимизнинг орасига чуқур кириб борди. Орол муаммоси бутун дунёнинг эътиборини тортаётган, унинг ҳудудига ашовчи аҳолининг са-ломатлигини муҳофаза қилиш кун тартибига чиққан бир даврда воҳа табиатининг кескин ёмонлашуви ва унинг салбий оқибатлари ҳақидаги чиқишлар сабабли газета халқчиллик касб этди. Воҳада азим гуҷум да-рахтларига қурт тушиб, уларнинг ёлпасига қуриёт-гани, тўқайзорларнинг йўқолиб бораётгани ҳақида отам бизга ҳам гапириб берардилар. Ва: “Буларни ёз-масак бўлмайди, газетига бермасак бўлмайди”, дер-дилар куйиниб. Одамларда ҳам газета билан ҳамна-фас бўлиб яшаш кайфияти пайдо бўлган эди.

Газета жуда катта ижтимоий минбар эди! Бу мин-барда туриб муносиб сўз айтиш, халқнинг дили-дан жой олиш эса, табиийки, журналистнинг фи-дойи жони, бедор юраги авазига бўларди. “Биз газе-танинг нонини еб катта бўлганимиз!” дейман ҳар гал ифтихор билан! Бу ноннинг таъми жуда ширин эди! Отамнинг ўнлаб шогирдлари, меҳр ва эътибор билан парвариш қилган ниҳоллари бугун кўркем дарахтлар бўлиб, салқин соялар бериб, соҳа ривожига ўз ўрни-ларига эга бўлдилар. Солиязон Раҳимбергенова, Со-тим Аваз, Дилбар Бекжонова, Жуманазар Юсупов, Феруза Тангрибергенова, Отабек Исмоилов... Улар-нинг нигоҳларида бугун отамни кўргандай бўламан. Қаерда кўришиб қолсак, мавзў, албатта, отамдан бошланиб, отамда тугайди. Улар бугун мен учун жуда қадрли инсонлардир. Чунки улар отам билан кўриш-ган, улардан озми-кўпми нимадир ўрганган шогирд-ларидир.

Газета саҳифаларида ўз даврида “Сўз — ташаб-бускорларга!”, “Кўчат экин — бог қилин”, “Бир хат изидан”, “Одоб, ахлоқ, оила”, “Мавзуга қайтиб”, “Дала шийпонларида аҳвол қандай?”, “Хатлардан сатрлар”, “Театр ҳаётидан”, “Маориф ҳақларини” каби турли рунжлар остида берилган мақолалар ўзининг таъсир-чанлиги, ҳаётлиги билан ўқувчилар эътиборини жалб этди. “Жайхун узра нур”, “Табиат ва инсон”, “Маънавият”, “Ёшлик”, “Қизлар клуби эшитида”, “Ада-бийёт ва санъат” каби саҳифалар эса аҳоли билан таҳририят ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўта-ган эди. Газета деярли 60 минг нусхада чоп этиларди. Вилоятнинг чекка ҳудудларидан кишилар муҳаррир-нинг ўзини кўриб гаплашиш, дардини айтиш учун ке-ларди. Отам уларни жон-дили билан эшитиб, айрим муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал қилсалар, айрим-ларини газета саҳифаларида ёритиб, раҳбарларнинг диққатини қаратар, кенг жамоатчилиكنи мулоҳазага чорлардилар. Почта орқали келадиган хатларнинг



*Карвон кетиб борар кўнғироқ чалиб,
Хуриган итларнинг мадори кетган.
Қанча уринмасин, охир кўрдилар,
Эътиқод барибир манзилга етган.
Карвон кетиб борар, дилга хуш ёқар
Гўдак кулгисидай кўнғироқлари.
Ундан ҳам хуш ёқар мағлуб итларнинг
Кўксини минг тилиб чеккан оҳлари...*

...Отам 80 ёшдан ўтган пайтлар эди. Бир гал суҳ-батимиз орасида “Ота, сизга ёмонлик истаганлар-нинг ҳаммасининг ҳоли не кечганлигини кўришин-гиз учун ҳам Худо сизга узоқ ёш берган”, дедим. “Ҳа, қизим, кўрдим, кўряпман... Ҳаётини ҳулосам шуки, ёмонларга қайтариб тош отишнинг сира кераги йўқ. Уларга у тош бошқа ердан келади. Мен шунга амал қилдим”, дедилар... Эндиликда “Хоразм ҳақиқати” га-зетасини ҳар гал қўлимга олганимда, саҳифалар аро отамнинг ўйчан, сокин нигоҳлари боқиб тургандай бўлаверади...

Ўша йиллари вилоятда уларнинг ташаббуслари билан бирин-кетин ташкил қилинган боғларни бунёд қилиш пайтларида ҳам отамни соғиниб кў-тардик. Улар давлат ишида хизмат қилиш билан бирга, жамият ҳаётида ҳам жуда фаол эдилар. Ижодий учрашувлар, хизмат сафарлари билан бир қаторда, ўтган улуғ шоирларнинг қабрларини обо-донлаштириш, уй-музейларини бунёд этиш, улар номи билан боғ яратиш каби эзгу ўй-хаёллар билан яшардилар ва буларнинг уддасидан ҳам чи-қардилар. Ўзлари баҳорда туғилганлари учунми, табиатни, дов-дарахтларни, гулларни жуда яхши кўрардилар. Боғ яратишга бўлган иштиёқлари, ра-батлари уларнинг табиати билан ҳам боғлиқ, на-заримда. Бу борадаги ишларнинг тимсоли вилоя-тимизнинг қатор туманларида яратилган боғлар бўлди. Хонқада Алишер Навоий, Хивада Оғаҳим ҳамда Беруний, Янгирарида Аваз Ўтар, Шовотда Комилжон Отанбёзов, Янгибозорда Абдулла Қоди-рий номидаги боғлар... Воҳамизнинг деярли барча туманларида отамнинг ташаббуслари билан таш-кил этилган боғлар маънавият боғлари, адабиёт боғлари ўлароқ бунёд бўлди. Уларда жамият ҳаё-тидаги барча соҳаларга дахлдорлик ҳисси жуда кучли эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Баҳодир Бобоҷоновнинг хотирлашича, Мираҳад Мирқосимов вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлган даврда Тупроққалъа ҳудудига қури-лиши мўлжалланган атом электростанцияси отам-нинг шахсий ва қатъий қаршилиги туфайли тўхта-тилган экан...

1990 йилнинг декабрида падабрибузрукворим Ва-зирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари вази-фасига тайинланди. Хоразмда бошланган хайрли ташаббус давом этиб, Наманганда Машраб, Ан-дижонда Бобур, Нодира номидаги боғлар бу эзгу иш-ларнинг давоми бўлди. Бир сафар Тошкентга бора-нимда, отам билан бирга Миллий боққа сайрга чиқ-дик. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан қурилган ҳайкал пойида туриб, бу муҳташам мажмуанинг барпо этилиши пай-тида кечган қизғин меҳнат жараёни ҳақида завқланиб гапирдилар... Кўркем хиебонни кўриб фахрланди-лар... Халқимизда “Яхшидан бог қолади”, деган ҳик-матли нақл бор. Дарҳақиқат, меҳр ила барпо этилган бу боғларнинг ҳар бир яроғи бугун отамнинг ҳақиқа дуо қилаётган бўлса, не ажаб...

Ташаббус бор жойда, янги гоғлар туғилган пайтда, уни хушламайдиганлар ҳам бўлади, ал-батта. Бу ҳамма жамоада учрайдиган ҳолат деб биламан. Редакция ҳам бундан холи эмас эди. Ту-манларга чиқиб, танқидий материал, фелъетон ёзиш билан мутасаддиларга таҳдид қилиб, тама-гирлик билан шуғулланган баъзи “курмак”ларни отам ҳалол ишлашга, қалами ҳаромга аралаштир-масликка даъват қилдилар. Бундай талабчанлик, аёнки, ўша кимсаларнинг норозилигини келтириб чиқарди. Отамга нисбатан турли бўҳтонлар уюшти-риш, “юмалоқ хат”лар ёзиш пайига тушдилар. Ле-кин эгилган ҳақиқат асло синмади. Ундай кимса-ларни ҳаётнинг ўзи жой-жойига қўйди. “Отамга мак-тублар” деб номланган туркум шеърларим орасида шундай ёзганларим:

*Ё Раб, пойингизда бир даста ёлгон
Лат еган илондек тўлғониб ётар.
Иймонингиз ўқдир, унинг зарбидан
Тўлғониб-тўлғониб, охир тош қотар.
Сиз эса илдам кетаверасиз,
Пойингизда ётган тошларни тепиб...*

Ёки:

Сайёра САМАНДАР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

✓ **АКС САДО**

Таниқли публицист
Дилмурод Қирғизбоевнинг
“Hurriyat”нинг шу йил 11-
июнь сонида эълон қилинган
“Дарёдил устоз” эссесини
мириқиб ўқиб чиққач, устоз
Ўткир Раҳмат ҳақида мен ҳам
фикр айтгим келди.

✓ **ДАРЁДИЛ УСТОЗ**

КЎНГЛИ — БАҒРИ КЕНГ УСТОЗ

Эсседа Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳ-мон, Матназар Абдулҳаким, Ортиқали На-мозовга устоз Ўткир аканинг кўрсатган му-рувват, меҳрибонликлари ҳақида ҳам гап боради. Дўстимиз, раҳматли шоир Абду-вали Қўтбиддиннинг устоз Ўткир акадан кўрган оқибати билан шу мавзунинг давом эттирмоқчиман.

Журналистика факультетида дўст бўл-ган биродаримизни Аллоҳ ҳақиқий шоир қилиб яратган, у тугма шоир эди. Илк шеърларини пахта териб, ҳориб келган пайтимизда кўп эшитганимиз. Унинг поэ-зияда ҳеч кимга ўхшамаган, ҳеч кимга тақ-лид қилмаган ўз йўли бор эди.

Бир куни Абдувалининг “Халқ сўзи”да ишлагганини тўғрисида эшитдим. У ҳеч қачон газетачи бўлмаган, қаерда меҳнат қил-масин, доим у шоир деб қабул қилинган. Биз дўстлари бу янгиликдан шошиб қолдик.

Ўткир ака унинг қиллигини билиб ишга олган экан, қисқа пайтда Абдували дол-зарб мавзуда мақолалар ёзиб, журналист бўлиб танила бошлади. Эсласангиз, рес-публикамизда бир муддат нон танқислиги рўй берганди. Дўстимизнинг Ўткир Раҳмат топшириги билан ёзган “Қизимга нон ушат-дик” мақоласи шов-шувга сабаб бўлди. У бир оиланинг шаклланишида нон ўрнини ифодалаб берди, одамларнинг нонга му-носабатини катта меҳр билан ёритди. Энг муҳими, Абдували Ўткир ака ва таҳририят-нинг ишончини оқлади.

Дўстимиз оғир хасталикка дучор бўлди, узоқ даволанишига тўғри келди. Оёққа тур-ганида кўзида ёш билан шундай деганди: “Дўстим, биласанми, ҳаммаси Аллоҳдан-ку-я, лекин Ўткир ака бўлмаганида, мен аллақачон ўлиб кетган бўлардим”.

Дарҳақиқат, Ўткир ака Абдували каби истеъдодларни қадрлайди, иззат қилади, улардан меҳрини ва ёрдамини аямайди. Шоир дўстимиз оёққа тургач ҳам у “Халқ сўзи”дан узоққа кетмади. Бош муҳаррирга маслаҳатчи бўлиб устозининг бевосита ёнида бўлди. Ижод қилди. Яхши китоблар яратди.

Аммо Яратганнинг иши, тақдири азал, умри қисқа экан...

Ҳадиси шарифларда беморни бориб кўриш тўғрисида ибратли ривоят бор. Қўе-мат куни Аллоҳ: “Эй, Одам боласи, бемор бўлдим, кўргани келмадинг!” дейди. “Эй, Роббим, қандоқ қилиб Сени кўргани бо-раман? Сен Роббул Оламийн бўлсанг?” дейди. “Билмадингми? Фалончи бандам бемор бўлди. Агар уни кўргани бора-ганимда, мени унинг ҳузурда топган бўлар эдинг”, дейди...

Ўткир ака нафақат беморларни бориб

кўради, дардига дармон бўлади, балки уларга батамом тузалиб кетгунича кўмак-шафқат кўрсатишга одатланган инсон. Бу ҳам инфоқ-эхсон эмасми? Албатта, шун-дай!

1993 йил эди. юқори идорада ишла-ймиз. Емакхоналарда пешинда одам гав-жум бўлади. Ён столимизда устоз хо-надошлари билан емак ёйиш учун жой-лашади. Ўткир ака хизмат кўрсатаётган аёлдан: “Бу нима овқат?” — деб сўрайди, у ҳам тайинли жавоб айтолмайди. Ошхона раҳбари нималарнидир тушунирди, жа-вобдан кўнгли тўлмайди. У киши:

— Мустақилликка эришганимизга икки йил тўлди, нега ҳалигача русча “Меню”дан фойдаланамиз, қачон ўзбекча “Таомно-ма”га ўтилади? — деб танбех бергани ха-ли-хали ёдимда. У шундай ўзбек тили жон-қуярларидан бири.

Ортимизнинг олиий идорасида давлат тили химоясига баралла қолганган катта мулозимлардан бири чамамда, Ўткир Раҳ-мат бўлганди!

Бир муддат уйда ижод қилишимга тўғри келди.

Қутилмаганда Ўткир ака телефон қилди:

— Абборжон, ука, эркак киши уйда ўти-риб қолмаслиги керак, сиз ижодкор одам-сиз, келинг, “Халқ сўзи”да бирга ишлаймиз. Вақтинча ишсиз бўлганимни қимдандир эшитган чоғи, қуришганда салом-алиқдан нарига ўтмаган киши телефон рақамини топиб, менга илтифот кўрсатганди. Эссе муаллифи жуда тўғри таърифлаган. “Да-рёдил устоз” дегани шу эмасми?

Кейинги йилларда матбуотда фаол-лашган пайтми. Телефонда яна Ўткир ака:

— Абборжон, биз учун ҳам ёзиб бер-сангиз бўларди, — деди.

Илтимосни бажардим. Эртасига жўяли сабаб билан мақоламни бера олмаслик-ларини айтиб, узр сўради. Бу ҳам Ўткир акага хос муаллифга ҳурмат-эътибор.

Баъзан газеталарга ёзиб берган мақо-лаларим, ишонинг, ярим йиллаб чиқмайди.

Кўҳаррига эслатсангиз, бўлимда қол-кетибди, деб осонгина қутулади. Узрхо-ликини ҳам хаёлига келтиришмайди...

Эссе қаҳрамони Ўткир Раҳматовга ҳам,

муаллиф-публицист Дилмурод Қирғиз-боевга ҳам ижодий зафарлар тилайман.

Бир ўқувчи сифатида таҳририятдан яна шундай дарёдил устозлар ҳақида очерк-лар қутиб қоламан.

Аббор ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси,
дипломат.

✓ **ҚИЁФА**

Суратларни оддийгина хотира, эсдалик сифатида кўришга одатланганмиз. Агар сураткаш ўз касбининг устаси бўлса-чи? Бунда у олаётган фотосуратда ҳаётнинг оддий бир лаҳзаси эмас, балки тарихга муҳрланадиган сониялар акс этаётганини ҳис этади. Шу сабаб қўлига фотоаппаратини олади. Фотонигоҳ биргина инсоннинг ўзига эмас, қалбига қаратилади. Табиатнигина эмас, тирикликнинг бир бўлаги, жамиятнинг оддий бир кунини эмас, унинг ютуқ ва муаммоларини ҳам кўради. Илганларини бошқаларга кўрсата олади. Фотография санъатга даъвогарлик қилаётганининг боиси ҳам шунда. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларини суратларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу ўринда журналистлар ичида урфга айланган бир гап беҳосдан ёдга тушади: “Сурат — ярим мақола”.

“Шухрат” медали соҳиби, “Нисқис” газетаси фото-мухбири Абдувоҳид Тўраев ҳам ана шундай синч-

СУРАТЛАРНИ СЎЗЛАТИБ...

таниқли суратчи Абдувоҳид ТЎРАЕВ ҳақида мухтасар сўз

ков, бадиий тафаккури ва диди юксак ижод-кор. Шу кунларда 60 ёшни қаршилаётган су-раткашининг ҳаёт йўли, эришган ютуқлари ибратлидир.

Абдувоҳид Тўраев “Фан” наشريётида му-саҳҳиллик қилгани унинг ижод оламига даст-лабки қадам бўлди. Айниқса, фотожурналис-тикага қизиқиши ортиб, табиат манзаралари, одамлар қиёфаси, қайноқ ҳаёт лаҳзалари, кундалик жараёнлар муҳрланган суратлар ола бошлади, улар шунчаки фотосуратлар эмас, ўзига хос маъно ифодалайдиган, таъ-бир жоиз бўлса, гапирадиган расмдор ҳисоб-ланади. Буни ундашга учун эса ижодкор бир пайтнинг ўзида ҳам юксак билим эгаси, ҳам чўқур фалсафий қарашлар соҳиби бўлиши

керак. Ижодкорда буларнинг барчаси мужас-сам.

Матбуотчилар тан оладиган ҳақиқат бор: яхши фотосурат яхши бир очеркка тенг. Фо-тосуратчида эса бундай суратлар беҳисоб. Шунинг учун унинг истеъдоди тез орада тилга тушди ва марказий нашрларга таклиф қила бошладди. “Тошкент ҳақиқати” газетаси таҳририятда, “Мовароуннахр” наشريётида, “Ўзбекистон овози” газетасида фотомуҳбир-лик қилганида мазкур нашрларни мамлакат ҳаётига оид долзарб ва қизиқарли фотоматериаллар билан бойитиб қолди. У олар суратларни мамлакатимизда бўлиб-ётиган муно-сабати билан чоп этилган кўплаб фотоаль-бомларда кўришингиз мумкин.



Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

аҳолиси ва дунё ҳамжамияти эътиборига ҳа-вола қилиб турилди.

Абдувоҳид Тўраев ўн беш йилдирки, Ўз-бекистон Бош прокуратурасининг “Ҳуқуқ” га-зетаси таҳририятда фотомуҳбир бўлиб иш-лаб келмоқда. Прокуратура органлари фао-лиятини ҳар томонлама ёритиш, Республика прокуратурасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларни, тизимдаги ян-гиликларни ҳолислик ва синчковлик билан фотосуратларга муҳрлаш, соҳа ҳодимлари-нинг меҳнатини халққа шаффоф кўрсатишга муносиб ҳисса қўлимоқда.

У кўплаб ташноқлар голиби бўлди. Жум-ладан, Тошкент фотосуратлар уйида ташкил этилган халқроқ фототанловда гран-при со-ҳиби бўлди. Хизматлари давлатимиз томони-дан ҳам эътиборсиз қолдирилган эмас. Таж-рибали фотожурналист Президент Фармо-нига кўра 1999 йили “Шухрат” медали билан тақдирланган.

— Абдувоҳид Тўраев илҳоми нигоҳида юрадиган истеъдод соҳибларидан бири, — деди у ҳақда таниқли журналист Дилмурод Қирғизбоев. — Авлодлар довонидан ошиб, ота касбидан бахт-иқбол топган ижодкорлар-дан бири ҳам Абдувоҳид Тўраевдир. Ундаги камтарлик, ундаги самимият, ундаги мада-ниятга қараб хурсанд бўламан. Таҳририят-лар котибиятларида масъул вазифаларда ишлаганимда яқиндан ижодий ҳамкорлик қилганимиз.

Дарҳақиқат, касбидан саодат топган ҳам-касбимиз ижоди янада баракали бўлавер-син!

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ,
журналист.

БИС БИЛГАН, БИЛМАГАН ТАРИХ

ЗУЛМАТ ҚАЪРИДАГИ ЮЛДУЗЛАР

1938 йил. Қама-қама авжига чиққан пайтлар. Ҳамма жойда ваҳима, кўркүв, шивир-шивир. Республикамиз вилоятларидаги аҳвол билан танишиш жараёнида бировнинг отаси, бировнинг эри ёки ўғли, яна бировнинг ака ёки укаси НКВДчилар томонидан ҳеч бир асоссиз ҳибсга олинаётганлигини, улар орасида вилоят, шаҳар, туман партия комитетлари котибларининг олтимиш фоизи борлигини эшитиб, жиғибйрон бўлиб қайтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов ўта нохуш қайфиятда Ички ишлар халқ комиссари Апресян ва унинг давлат хавфсизлиги бўйича ўринбосари Леоновни ҳисобот билан келишини тайинлади.


Мамлакатда Сталин ташаббуси билан “Халқ душмани, аксилинқилобчи, троцкийчи, миллатчи ва совет ҳукуматига қарши”ларни тугатиш мақсадида тузилган “Учлик” комиссиясига кўллаб беғуноҳ одамлар бошига қулф қалиб, халқнинг жиддий норозилигига сабаб бўлаётган давр эди. Ўзбекистонда бу комиссияга Усмон Юсупов раис этиб тайинланган, Апресян билан Леонов аъзо ҳисобланарди. Улар Юсуповни четлаб, ўзларининг ғайриқонуний ва фожиавий ишларини СССР Ички ишлар халқ комиссари Ежов топиширигига биноан шиддат билан амалга ошириб келаётган эдилар. Республикадаги вазият тобора оғирлашиб бораётганлиги сабр косасини тўлдирган Усмон Юсупов НКВДчилар Ўзбекистонда ўзбошимчалик билан қирғин ўтказаяётганлигини шошилинч Сталинга етказмасам бўлмайди, деган қарорга келди. Аммо худди шундай йўл тутган Файзулла Хўжаев билан Акмал Икромовнинг тақдирини куз олдига келиб, кабинетининг у бошидан бу бошига безовта юрганча чуқур ўйга толди...

Файзулла Хўжаев тобора аланга олаётган қатагонга бефарқ бўлмади. 1929 йилда Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпон ҳаёти хаёф остида қолганда, уларни 1937 йилга қадар асраб келди. Ўша йилнинг 10 июнида Ўзбекистон Компартияси VII съезди чакрилиб, унинг охириги кунни кутилмаган воқеа юз берди. Файзулла Хўжаев миллатчи ва бузғунчиликка айбланди. Ҳатто вафот этган укаси Ибод Хўжаевни Тошкент вилояти партия кўмитаси котиби Болтабоев “у аксилинқилобчи бўлган”, деди. Бундан “Сен ўзинг ҳам шунақасан” деган маъно аңгашилишини пайқаш қийин эмас эди. Хуллас, Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Халқ комиссарлар Советининг раиси ва бошқа масъул лавозимлардан ҳам бўшатилди. “Ўзимдан чиққан ба-лога қайта бораи давога?” деганлари шу-дай! Эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб, адолат тантанаси учун ҳаракат қилган-да, республикани хар томонлама юксалтиришга астойдил бел боғлаган миллатпарвар, ташаббусқору тadbиркор, фидойи инсон Файзулла Хўжаев қатагон қолқонига тушармиди? Йўқ, албатта! У Сталин билан қадрдон эди. Унга бор гапни айтиш учун ҳузурига борганида, ёрдамчисида: “Уртқо Сталин ҳозир жуда банд, бўшаши билан ўзи сизга кўнги-роқ қилар экан”, деган гапни эшитиши билан ҳафсаласи пир бўлиб, “Демак, ишдан олинишмда унинг ҳам кўли бор” деган фикр кўн-гулидан ўтди. Ўша кунни 1937 йилнинг 9 июль кунни эди. Кечқурун у меҳмонхонада ҳибсга олиниб, тўғри Лефортово қамоқхонасига жў-натилди.

Ҳокимият тепасига келган Акмал Икромовни Файзулла Хўжаев тақдирини қаттиқ таш-вишга солди. Бунинг устига 1937 йилнинг 10-17 июнь оралигида А.Цехер Марказхўмининг 2-котиби, С.Болтабоев 3-котиби, М.Шермуҳа-медов МҚнинг бюро аъзоси этиб сайланган, кўп ўтмай учаласи ҳам ҳибсга олинган эди. Бу қисмат ўзининг ҳам бошига тушиши мум-кинлигининг олдини олиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасига раҳбар бўлиб сайланганидан буюн эришган ютуқта-ри-ю йўл қўйган камчиликларига ҳолисона ба-ҳо берилишини сўраб, ВКП(б) МҚ Сийсий бюросига мурожаат қилди. Йилигишда ўзи

ҳам иштирок этиб, қилган ишлари, олдида турган вазифалар тўғрисида аниқ-тиниқ гапи-риб берди. Муҳокама усиз ўтди. Сталин шун-дай деди: “Икромов хато қилган бўлса-да, ҳа-лол одам”. Афсуски, Сийсий бюро аъзолари ва МҚ котиблари Икромовга ишонсизлик билдирдилар. Урта Осиё бўйича масъул бўл-ган Каганович Икромовни қаттиқ қоралади. Молотовнинг “Икромов Бухарин билан оғиз-бурун ўпишиб юрганлардан бири” деган гапи Сталинини ўйлантириб қўйди. Охир-оқибат, Икромов ҳам қамоққа олинди.

Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар-нинг иши Бухарин, Риков каби судланувчи-лар билан бирга Москвада кўрилди. Судда давлат айбловчиси бўлиб қатнашган СССР Бош прокурори Вишинский судланувчилар-нинг барчасига (17 киши) ўлим жазоси бе-ришни талаб қилди. Суд 1938 йил 13 март



куни уч кишидан бошқа ҳаммага, шу жумла-дан, Файзулла Хўжаев билан Акмал Икром-овга ҳам ўлим жазоси тайинлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. Ҳукм Москва атрофидаги Бу-тово қишлоғида 1938 йил 15 мартда ижро этилди. Хўжаев 42, Икромов 40 ёшида қата-гон қурбони бўлди. Оилалари Сибирга сургун қилинди.

Ҳа, Ўзбегим-а, ўзбегим! Қанчалик ақлли, билимдон, тажрибали, кўпни кўрган бўл-санг-да, барибир соддалигинг бор-да. Содда бўлмасанг, келиб-келиб қатагон қилишни аялғочлаб турганларга ишонармидинг? Хўш, бу ёни нима бўлди? “Ишонмагин дўс-тингга, сомон тикар пўстингга”ми?

Усмон Юсупов ана шулар ҳақида ўйлар экан: “Сталинга ёзган хатимдан НКВДчилар хабар толган бўлса-чи?” деган фикр хаёли-дан ўтиб, “Мен ҳам бошимни кундага қўй-ганга ўхшайман”, деди ўзига ўзи.

Ичкарига таклиф қилинган “Учлик” аъзо-лари Юсупов билан совуққина саломлашган: “Мана сиз сўраган ҳужжатлар”, деди Апре-сян. Юсупов қорозга диққат билан кўз югурти-риб, Тожихон Шодиева ва Собира Холдорова номларини бармоғи билан кўрсатиб, уларни партия ходими сифатида яхши билгани учун нима сабабдан ҳибсга олинганини сўради.

Тожихон Шодиева район партия кўмитаси-нинг биринчи котиби, Собира Холдорова эса Марказқўмда бўлим мудирини бўлиб ишларди. — Улар халқ душмани, аксилинқилобчи ва троцкийчи бўлгани учун ҳибсга олинган, — жавоб берди Апресян. — Судда бунга иқдор бўлганлари учун ўн йил муддатга ҳукм қилин-ган.

Бу бўҳтон гапга нафақат Усмон Юсупов, балки оддий одамлар ҳам мутлақо ишон-мас эди. Асосий мақсад миллат оидинла-рини шундай айбон билан қирғин қилиш Ап-ресян билан Леоновга ҳам кундай равшан бўлса-да, қамалганларнинг ҳаммаси ҳақида “халқ душмани, аксилинқилобчи, троцкийчи” бўлгани учун деган бир хил жавобни тўтидай тақроқлар эдилар. Ич-ичидан алам ўтида ёнаётган Усмон Юсупов чидаб туролмади.

— Ўзбекистонда халқ душманлари шу қа-дар кўпайиб кетган экан-да, — деди у ғазаб аралаш кесатиб.

— Чиндан ҳам кўпайиб кетган, — хурсанд

бўлди Апресян. — Шунинг учун ҳам ўртқо Сталин уларни тугатиш тўғрисида топиширқ берганлар!

— Ҳибсга олинганлар сони нега камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда?

— Биласиз, партиямиз Сийсий бюроси-нинг 1937 йил 11 июлдаги йиғилишида Ўз-бекистон СССРда 1489 кишини отиш, 3952 ки-шини сургун қилиш белгилаб берилган. Қа-рорни бажаришимиз шарт.

— Бу дегани топиширқни кўр-кўрона бажариш керак дегани эмас-ку! — қизиқди Усмон Юсупов. — Хўш, олий жазога ҳукм қилинганларнинг ҳам рўйхати борми?

Апресян шу заҳоти яна бир қороз узатади. Юсупов унга кўз югуртириб, Муҳаммаджон Мўминов номини кўриб, титроқ овоз билан сўрайди:

— Мўминов қайси айби учун олий жазога ҳукм қилинган?

— Сиз уни танирмидингиз? — сўради Лео-нов Апресян билан кўз уриштириб.

— Ҳа, — деди Юсупов истар-истамас. — У Совет қурилиши ва ҳуқуқ институтига ди-ректор лавозимига тайинланаётганда менинг суҳбатимдан ўтган. Унинг нима учун қамал-гани ва қайси айби учун отувга ҳукм қилин-ганини билмайман. Сизлар эса айтмагансиз-лар.

— Мўминов аксилинқилобчиларнинг раҳ-барларидан бири, кўп одамларни троцкийчи ва миллатчи ташкилотларга ёллаганлиги аниқланган, СССР Олий судининг ҳарбий ҳайъати томонидан олий жазога ҳукм қи-линди.

— Нима учун бу ҳақда менга судгача чурқ этмадингизлар? Нима учун бу ишни мендан бер йилга яқин яшириб келдингизлар? Бу ерда фақат Мўминов эмас, ёзувчи Абдулла Қодирий, шоир Чўлпон сингари яна кўплаб одамлар номи бор. Эртага ўртқо Сталин олий жазога ҳукм қилинганлар ҳақида сўраб қолса, нима деб жавоб бераман?

Апресян ҳам, Леонов ҳам оғиз очолмади. Улар Ежовдан олинган топиширқ бўйича Ус-мон Юсуповга қарши енг шимариб мате-риал йиғаяётган эдилар. Шу боис Юсупов ху-зуридан чиққач, ўзини кўрсатиш учун Лео-нов Москвага — Ежовга сим қоқди. Жавоб бўлмади. Кейин яна ва яна. Жавоб бўлма-гач, ёрдамчисига кўнгирик қилади. Гушақдан: “Энди Ежов йўқ, у ҳибсга олинди!” деган кў-пол овоз эшитилди. Тарвузи қўлтигидан тушган Леонов қисқа гудок келаётган гўшакни тутганча қотиб қолади.

Усмон Юсуповнинг Сталинга етказган хати бўйича Ўзбекистонда кенг қўламли текширув ўтказилиб, Апресян ҳам, Леонов ҳам, улар-нинг лаббайчилари ҳам қамоққа олинди ва бирин-кетин олий жазога ҳукм қилинади. Э-тироф этиш жоизки, Юсуповнинг жасури-ли ҳасорати билан Ўзбекистонда минглаб одамлар қатагон қурбони бўлишдан қутулиб қолади.

Биз ҳуқуқшунос ёзувчи Шохруҳ Акбаров-нинг “Зулмат қаъридаги юлдузлар” номли навбатдаги янги тарихий-ҳужжатли романи (“FAN ZIYOSI” нашриёти, 2025) мутлааси-дан олган таассуротларимиз ҳақида фикр юритилмоқда. Асар миллатимизнинг би-ринчи ҳуқуқшуносларида бўлган Муҳаммад-жон Мўминовнинг илмий-педагогик фао-лияти, аянчли ва фожиали ҳаёти ҳақида.

Мақола бошида келтирилган Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва Усмон Юсупов-ларнинг энг оғир давр — қатагон йиллари-даги эл-юрт манфаати йўлида олиб бор-ган жасоратли курашлари ичда кенган Му-ҳаммаджон Мўминов фаолияти китобхон-нигоҳида Сталин диктатурасининг зулм ва зуравонлиқка йўрилган даҳшатли воқеа-ларини намоён этиб, уларга чексиз нафрат уй-ғотмай қолмайди.

Муҳаммаджон Мўминов 1903 йилда На-манган шаҳрида туғилган. Урта Осиё давлат университети қошидаги ишчилар факульте-тини имтиёзли битирган. Файзулла Хўжаев ташаббуси билан ташкил этилган “Кўмак” жағмармаси йўлланмаси билан 1923 йилда Москва давлат университетининг ҳуқуқшу-нослик факультетига ўқишга қабул қилинади.

Нуриддин ОЧИЛОВ

ХОРИЖ

ҚОЗОҒИСТОНДА ЮЗНИ ЁПИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Қозоғистонда жамоат жойларида юзни ёпадиган либослар ки-йиш тақиқланди. Тегишли қонунни президент Қосим-Жўмарт Тў-қаев имзолаган.

Хизмат вазифаларини бажариш, тиббий сабаб-ларга кўра, ноқулай об-ҳаво шароитидан ҳимоя қи-лиш, фуқаролик мудофааси мақсадларида, шунингдек, спорт ва маданий тадбир-ларда иштирок этишда юзни ёпиш ҳолатлари бундан мустасно.

Жорий йил 26 июнь куни қонун лойиҳаси Қозоғистон парламенти томонидан маъқулланган эди. Аввалроқ президент Тўқаев юзни ёпишдан кўра, миллий ўзликни намоён қиладиган кийим кийиш маъқуллигини таъкидлаганди.

Маълумот ўрнида, жорий йилнинг январь ойида худди шундай қо-нун Қирғизистонда ҳам қабул қилинганди. Ҳужжатга кўра, жамоат жой-ларида “фуқароларнинг шахсини аниқлашга имкон бермайдиган” ки-йимлари кийиш мумкин эмас. Иш ёки тиббий сабабларга кўра юзини ёпиши керак бўлганлар бундан мустасно.

ХАКЕРЛАРНИНГ ТРАМПГА “БОСИМИ”

Эронга алоқадорлиги тахмин қилинаётган хакерлар Оқ уй а-паратини раҳбари Сьюзан Уайлс, Президент Дональд Трампнинг а-вокати Линдси Халлиган, маслаҳатчиси Рожер Стоун ва актриса Сторми Дэниэлснинг аккаунтларидан ўғирланган 100 гигабайтга яқин электрон шаклдаги почта хабарлари ва мактубларни чоп эт-моқчи.

“Рейтер”нинг ёзишича, навбатдаги таҳдид яна бошқа кўплаб маълумотлар ошкор этилишини ҳам на-зарда тутди. Агентлик маъ-лумотига кўра, хакерлар ма-териаллар сотилиши мум-кинлигини айтган, бироқ хатлар мазмунига тўхталмаган.

Жорий йил май ойида “Wall Street Journal” газетаси манбаларга тая-ниб, Оқ уйдан яна бир маълумот сиздирилгани ҳақида ёзганди. Бу гал хакерлар Сьюзан Уайлснинг шахсий манбаларига кирган ва унинг но-мидан Конгресс аъзолари ва корпорация раҳбарлари билан боғланган. Ўтган йил Эрон агентлари унинг электрон манзилини бузиб, ўша пайт-даги сайловолди кампаниясида Трампга ҳамкорлик қилган вице-прези-дент Жей Ди Вэнснинг маълумотларини ҳам қўлга киритган.

ПОЛЬША СНАРЯД ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРАДИ

Польшанинг “PGZ” давлат мудофаа концерни артиллерия сна-рядларини ишлаб чиқаришни беш бараварга — йилга 180 минг-тагача ошириш ниятида. Бу ҳақда давлат активлари вазири Якуб Яворовский маълум қилган.

Унинг сўзларига кўра, Польша импорт қурулпа-рига бўлган қарамлики қис-қартириш ва ўзини Россия таҳдидларидан ҳимоя қи-лиш мақсадида гаубицалар учун снарядлар ишлаб чиқа-ришни беш бараварга оши-ради.

“Бизнинг қисқа муддатли мақсадимиз — бу турдаги қурулларни ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ошириш ва чет эллик етказиб бериувчилардан мустақил бў-лиш, миллий автономия учун барқарор асос яратиш”, — деган Яво-ровский.

ОАВ САЙТЛАРИГА ЧЕКЛОВ

Россия Европа Иттифоқи санкцияларига жавобан ўз ҳудудига ЕИнинг 15 та оммавий ахборот воситасига киришни чеклаб қўй-ган. Бу ҳақда РФ ТИВ маълум қилди. Идора кириш чекланган ре-сурслар рўйхатини келтирмаган.

“Расмий Брюссел ва ЕИга аъзо давлатларнинг пой-тахтлари бир неча бор Рос-сия ОАВга қарши йўнал-тирилган тақиқлар ҳамда асоссиз чекловлар, шунинг-дек, сийсий сабаблар билан қўлланган бошқа репрессия шакллари РФ томонидан те-гишли жавобсиз қолмаслиги тўғрисида оғохлантирилган эди”, — дейилади ТИВ баёнотида. Ўшбу чоралар “Eurasia Daily”, “Fondsk”, “Lenta”, “News Front”, “Rubaltic”, “South Front”, Стратегик маданият фонди, “Красная звезда”га қарши санк-цияларга жавобан қабул қилинган. Юқорида номлари санаб ўтилган ОАВга қарши чекловлар ЕИ томонидан февраль ойида Россияга қарши қабул қилинган санкцияларнинг 16-пакетидан ўрин олган эди.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

...Қозоғистоннинг жунубидаги Туркистон вилоятининг кўҳна Сайрам номи билан аталувчи туманидаги кўм-кўк дарахтлар оғушида бўй тиклаб турган Қорабулоқ қишлоғи марказидаги маданият уйида ўзгача жонлиш диққатини тортади. Гурӯҳ-гурӯҳ бўлиб ичкарига кириб бораётганлар ҳам, қизгин суҳбат қуриб турганлар ҳам кимнидир кутяётгани сезилади. Ичкарига қадам қўйarkanсиз, миллий либослардаги қизалоқлар кўпларини кўксиларига қўйиб, муйойимлик билан “Ассалому алайкум! Хуш келибсиз!” дея қаршилашади. Кенг куттиш залида китобларга кўзингиз тушади. Сизга миллий либослар-у пиширқ, нон ва таомлар ўз кўлларида миллий либосларда хуштавозелик билан салом беришади.

Қорабулоқда анча йиллардан бери фаолият юритаётган Победа опа Абдизимова бошчилигидаги “Оналар мактаби” нодавлат жамоат ташкилоти так-лифи билан Ўзбекистондаги “Ватандошлар” халқ-аро жамоат фонди яқинда ушбу маданият уйида тадбир ўтказди.

Ўзбекистонлик хонандалар иштирокида концерт тақдим этилди. Қишлоқдаги саккизта мактаб ва қиш-лоқ кутубхоналарига китоблар совға қилиш ҳамда “Ватандошлар” халқаро жамоат фонди томонидан улугъ бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудига

МЕХҲР КЎЗДА

бағишланган онлайн танловда иштирок этган мак-таб ўқувчиларини тақдирлаш режалаштирилган эди.

Ташриф буюрганлар орасида Қозоғистон ўзбек-лари “Дўстлик” ҳамжамияти раҳбари И.Ҳошимжон-нов, оқоқоллар кенгаши раиси Б.Турдиқулов, про-фессор Ё.Мадалиев, қорабулоқлик устоз педагог, Ҳ.Давронбеков, “Ижодкор” адабий бирлашмаси раиси, З.Мўминов, Сайрам тумани ўзбек мада-ният маркази раиси, тадбиркор Ғ.Райимқулов, халқ фаоллари М.Сиддиқов ҳамда бошқалар бор.

Тадбир маҳаллий санъаткорларимиз Сайдакар ака Абдуғаниев ва Турахон Худойбергенов ижроси-даги кўшиқлар билан бошланди.

“Меҳр булоқ” мактабининг рақс дастаси томо-нидан намойиш этилган “Жайроғона”, “Попури” рақс-лари томошабинлар олқишларига сазовор бўлди.

Нафосат Акрамова бошқараётган “Қизлар ака-демияси” ҳамда Д.Қўнаев коллежи талабалари ва М.Ниезбекованинг шоғирдлари ҳозирлаган миллий либослар намойиши ҳам эътирофда молиқ. Меҳ-монларни қарнай-сурнайчилар бор маҳоратларини ишга солиб кутиб олишди. Китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирнинг расмий қисми бошида “Ватандош-лар” жамоат фондининг Қозоғистон бўйича коор-



динатори Юлдузхон Жаҳонгирова томонидан ижро этилган “Навбахор” қўшиғига ўқувчи қизлари хиром айлашди.

Саҳнага “Дўстлик” ҳамжамияти ва Амир Тему-р хайрия фондининг Туркистон филиали раҳбари И.Ҳошимжонов, Қозоғистон Парламентининг икки бор депутати, Қорабулоқнинг собиқ ҳокими Ф.Қа-ратоев, Ўзбекистондаги Қозоқ маданият маркази раиси Серикбой Усенов, Ўзбекистон Республикаси-нинг Қозоғистондаги консуллиги ходими Эркинжон Абдуқаюмов, Қорабулоқ ҳокими Комилжон Абдула-хатов, “Ватандошлар” халқаро жамоат фонди ва-

ёхуд “Ватандошлар”
Қорабулоқда учрашди

қили Ҳожиакбар Исоқовлар таклиф этилди.

И.Ҳошимжонов яқинда ўзи шахсан иштирок этиб келган Тошкентдаги тадбирлар, шу жумладан, Со-ҳибқирон Амир Тему-р таваллудини тантаналари таас-суротлари билан ўртоқлашса, Серикбой оға сўнги йиллардаги икки қардош эл ўртасидаги муносабат-лар — элбошиларимизнинг халқ турмуши фаровон-лигини ошириш борасидаги ютуқлари натижасида ижобий ўқаришлардан мамнунилигини билдирди.

Фахриддин Қаратоев ўз сўзида ёш авлод тарбия-сида адабиётнинг ўрнига эътиборни қаратди. Келти-рилган совға китоблар учун “Ватандошлар” жамоат фонди-га миннатдорлик билдирди ва шахсий кутуб-хонасидан эсдаликча китоб ҳада қилди.

Икки қардош эларо алоқалар мустаҳкамланиши ортида икки тарафлама сийёсий-иқтисодий юкса-лиш натижалари кўзга ташланиб бораётганлигини, бунда раҳбарларнинг етакчи ҳиссалари алоҳида ўрин тутаяётганлигини таъкидладди.

Ўзбекистонлик делегация аъзолари: Аброр Ша-вазов, Азиз Бекмуродов, Азамат Аҳмедов, Фази-лат Аҳмедова — Ўзбекистон Давлат филармонияси ҳамда Қорақалпоқ Давлат филармонияси, Бердақ номидаги давлат академик мусиқали театри хонан-далари — Қазибек Кеугимжаев, Бахтиёр Жуматаев,



Одилбек Темирбаевлар маҳоратларини куй-қўшиқ-лари билан намоён этишди.

Мезбон “Оналар мактаби” аъзолари томонидан энг аввал пахта даласидаги пахта чопиқ ишларини аъло даражада кўрсатиб бериб, кўпчиликнинг олқи-шига сазовор бўлди. Кейин эса чиройли “Ёр-ёр” кў-шиқлари ижросида, ўч авлоднинг “қиз узатиш” ма-росимини қойилмақом қилиб намойиш этди. Бу кў-ринишнинг сахналаштиришда жонбозлик кўрсатган 25-Қўнаев номли коллежнинг бадий раҳбари Ра-ҳима Йўлдошбековага тасанно.

“Ватандошлар” жамоат фонди томонидан қиш-лоқдаги саккизта мактаб ва Қорабулоқ қишлоқ кут-убхонасига етмиштадан китоблар совға қилинди.

Китоблар орасида дунёга машҳур “Бобурнома”, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳроб-дан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романлари, Ҳалима Худойбердиева, Абдулла Ориповларнинг “Сайланма” асарлари бор.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллигига бағишлаб ўтказилган танловда иштирок этиб ғолиб бўлганлар сўнги русумдаги планшетлар билан тақдирланди.

Қорабулоқнинг баҳаво тепалиги бағридан ўрин олган “Қувонч” тўйхонасидаги гурун яна ҳам қизгин давом этди. Халқларимизда “Меҳр кўзда” деган ма-қол бор. Мана шундай хайрли учрашувлар қўпайиб, бир-бирларимизга меҳримиз ортаверсин, илоҳим!

Равшанбек УБАЕВ

Қозоғистоннинг
Туркистон вилояти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: Янгиликлар руҳида



Урганч давлат педагогика институтида салоҳиятли мутахассислар тайёрланмоқда

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ватанпарвар ва замонавий билимларга эга қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Таълим сифатини ошириш, замонавий ўқув дастурларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятини кучайтириш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро тажриба асосида педагогик инновацияларни кенг жорий этиш борасида қатор муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Давр педагогик фаолиятга замонавий ёндашув, методик янгилликлар, шахсга йўналтирилган таълим тизими ва рақамли технологияларни интеграция қилишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарор ва фармонлари, хусусан, педагогик кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, инновацион лойиҳаларни кенгайтириш, академик эркинликни таъминлашга қаратилган ҳужжатлар педагогика соҳасининг ривожланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда. Урганч давлат педагогика институтида ҳам олиб борилаётган ўқув, илмий, маданий, спорт ва халқаро ҳамкорлик йўналишларидаги ютуқлар бу соҳадаги ислохотларнинг кичик амалий натижаларидан бири дейишимиз мумкин. Институтда таълим сифатини ошириш, халқаро ҳамкорликларни янада мустаҳкамлаш, талабаларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш ва миллий қадриятларга асосланган тарбия тизимини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан бугунги кунда Урганч давлат педагогика институтининг кундузги таълим шаклида тахсил олаётган 2-3-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибиди, яъни дарсларнинг 4 кун институтида, 2 кун мактабга ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибиди олиб борилади. Ҳозирда институт талабалари вилоятдаги 368 та давлат мактабга таълим ташкилоти, 542 та умумтаълим мактаби ва 11 та ихтисослашган мактабда амалиёт ўташ имкониятига эга. Институтдаги 19 та таълим йўналишининг барчаси умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасидаги фанларга мос ҳолатда. Бу ёндашув педагогик таълим сифатини оширишда муҳим қадам бўлиб, бўлажак ўқитувчиларда касбий кўникмаларни шакллантириш, дарс жараёнини бошқариш, педагогик вазиятларга тўғри ёндашиш каби муҳим жиҳатларни эгаллаш имконини беради. Энг асосийси “4+2” тизими таълимда назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаб, талабаларни мактаб муҳити билан яқиндан таништиради. Бу эса уларни келгусида малакали, масъулиятли ва замонавий талабга жавоб берадиган педагог кадрлар сифатида шакллантиришда муҳим ўрин тутadi.

Урганч давлат педагогика институтида ҳозирги кунда 19 та таълим йўналиши ва 11 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан дунёнинг “Топ-

тети, Португалиянинг Порто университети дастурлари таҳлил қилиниб, янги фанлар киритилди, шунингдек, ўқув режаларидаги фан мавзулари мазкур олий таълим муассасалари дастурлари асосида такомиллаштирилди.

Институтда илмий ва инновацион фаолиятни тизимли йўлга қўйишда илмий салоҳиятни ошириш ва ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқот натижаларини нашр этиш, олий таълимдан кейинги таълим фаолияти самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илмий ва илмий-техник тадбирлар натижаларининг амалиётга татбиқи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш, илмий лойиҳалар, халқаро грант ва инвестиция лойиҳалари ҳамда илмий ишланмаларнинг амалиётга жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2026 йилда илмий салоҳиятни 40 фоизга етказиш кўтилмоқда. Бугунги кунда олий таълим муассасасида 7 та ихтисослик бўйича 150 га яқин таянч докторант ва мустақил изланувчилар тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

2025 йилда комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурида бажарилиши керак бўлган мақсадли кўрсаткичлар бўйича тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида институт инновацион жамғармасига кафедра профессор-ўқитувчилари



ҳида эътибор қаратилмоқда. Урганч давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони асосан институт ҳамда республика инновацион фаолият инфратузилма субъектлари (технологик парклар, технологиялар трансфери марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлар, инновация марказлари, бизнес-инкубаторлар ва акселератор) ҳамкорлигида Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази (ТИҚҚМ), “Innovation Center”, “Modern educators” коворкинг марказлари ташкил этилган.

Институт қисқа вақт ичида халқаро майдонда ўзининг мустақам ўрнини топишга эришмоқда. Олий таълим муассасаси ўз фаолиятини замонавий илмий ёндашувлар, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва жорий этиш, профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятини оширишга қаратган бўлиб, бу борада халқаро алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Институт “UI GreenMetric” халқаро университетлар рейтинг, “Times Higher Education” халқаро “Топ-1000” талик университетлари баҳоловчи рейтинг ташкилоти ҳамда Евроосиё педагогика университетлари ассоциациясига аъзо таълим муассасаси сифатида киритилди. Институт томонидан 14 та хорижий давлатдаги олий таълим муассасалари ва ташкилотлар билан жами 50 дан ортиқ ҳамкорлик меморандумлари имзоланган.

Яқинда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида “Ўзбекистон — Буюк Британия таълим форуми” доирасида Урганч давлат педагогика институти ва Норвич тил ўқитиш институти (“Norwich Institute for Language Education”) ўртасида ўқув жараёнлари ва илмий соҳадаги йўналишлар бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Мазкур ҳамкорликлар натижасида илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш ва стажировка амалиёти, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар алмашинуви, икки дипломли тизим асосида кадрлар тайёрлаш борасида жадал ишлар олиб боришмоқда.

Институтда кадрлар салоҳиятини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 2023 йилда 10, 2024 йилда 20, ҳамда 2025 йилда 30 га яқин профессор-ўқитувчилар ҳамкор хорижий нуфузли университетларда малака оширди ҳамда стажировка дастурларида иштирок этди. Мазкур олийгоҳлар орасида “Топ-1000” талик кирувчи олий таълим ташкилотлари саломли ўринни эгаллайди. Бу ўз навбатида ўқитувчиларнинг хорижий замонавий педагогик ва илмий ёндашувларни ўлаштиришига, талабаларга берилаётган таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Институтда хорижий тажрибани тўғри-

дан-тўғри ўқув жараёнига жорий этиш мақсадида хорижий профессорлар ҳамда соҳа мутахассисларини жалб қилиш фаолияти тизимли йўлга қўйилган. 2024 йилда Россия, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Қозғистондан 9 нафар, 2025 йилда 11 нафар хорижий профессор ҳамда соҳа мутахассислари институт дарс жараёнига жалб қилинган. Бу — талабаларни халқаро стандартларга мос равишда тайёрлаш имконини бермоқда.

Институтнинг халқаро майдондаги фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши — илмий анжуманлар, форумлар ва симпозиумларда иштирокидир. 2024 йилда 20 нафар, 2025 йилда эса 26 нафар профессор-ўқитувчи ва олимлар Буюк Британия, АҚШ, Индонезия, Россия Федерацияси, Беларусь, Хитой, Жанубий Корея, Қозғистон, Туркменистон, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган илмий-амалий тадбирларда фаол иштирок этди. Бу каби тадбирларда иштирок этиш нафақат илмий ҳамкорлиқни ривожлантиришга, балки институт нуфузини халқаро даражада танитишга ҳам хизмат қилмоқда.

Шунингдек, институтта ташриф буюраётган хорижий делегациялар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2024 йилда 28 нафар, 2025 йилда 30 нафар Испания, Сингапур, Африка, Буюк Британия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Қозғистон, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистондан хорижий делегация вакиллари институтта ташриф буюришди. Ушбу делегация таркибиди хорижий университетлар, илмий марказлар ҳамда

ўқув йилида 700 дан ортиқ маънавий-маърифий, маданий, турли спорт ва интеллектуал тадбирлар ташкил қилинган. Хусусан, “5 ташаббус маркази”, “Ёшлар маркази”, “Шахмат хонаси”, “Галерея”, “Гандбол зали”, “Ёш спортчилар”, “Чевар қизлар”, “Ёш китобхон”, “Заковат”, “Мушоира” клублари, “Хоразм ашула ва рақс ансамбли”, “Нихол” талабалар театр студияси, шунингдек, “Спорт клуби” ва спорт йўналишида 13 та спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган.

Мазкур ўқув йилида институт талабалари халқаро ва республика миқёсидаги бир қатор кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида 4 нафар талаба ғолибликни қўлга киритди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ва бошқа номдор давлат стипендияларига танлов натижасида 2 нафар талаба Навоий номли, 1 нафар талаба Исмоил Каримов номли давлат стипендиясига сазовор бўлди. Шунингдек, 1 нафар талаба “Вилоят ҳокими стипендияси”ни қўлга киритди. Институтда 57 нафар иқтидорли талаба халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар, форум ва симпозиумларда фаол иштирок этиб, турли соврин ва ютуқларни қўлга киритган бўлса, 82 нафари жаҳон ва республика чемпионатларида олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди.

Бугунги глобллашув, рақамли трансформация ва билимга асосланган жамият сари интилаётган дунёда педагогик таълимнинг роли ва масъулияти тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда мамлакат-



халқаро ташкилотлар вакиллари мавжуд бўлиб, улар институт фаолиятига ижобий баҳо бермоқда, илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этмоқда, шунингдек, келгуси ўзаро ҳамкорлик истикболларини муҳокама қилмоқда.

Шунингдек, ҳозирда хорижий таълим ва тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида хорижий талабалар улушини босқичма-босқич ошириб бориш ишлари олиб боришмоқда. Бунда халқаро талабалар анжуманларини ўтказиш ва уларда хорижий талабалар иштирокини таъминлаш ҳамда хорижий давлат ОТМлари ва консулликлар билан ҳамкорликда талабаларни жалб этиш каби вазифалар белгиланган.

Институтимизнинг халқаро майдондаги фаол иштироки Янги Ўзбекистон олий таълим тизимининг глобллашув йўлидаги изчил ҳаракатлари, шунингдек, институт раҳбарияти ва жамоасининг фидокорона меҳнатининг ёрқин ифодасидир.

Институтда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида 2024-2025

мизда олиб борилаётган изчил ва тизимли ислохотлар педагогика соҳасини тубдан янгиллаш, уни замон талабларига мослаштиришга қаратилган. Таълим тизимининг барча бўғинларида, айниқса, олий таълимда сифат ва натижадорлик мезонлари асосида бошқаруви ташкил этиш, янгича ёндашувларни жорий этиш, халқаро стандартларга уйғун таълим муҳитини шакллантириш каби устувор йўналишлар асосий мезонга айланган.

Урганч давлат педагогика институти ушбу ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчига айланиб, қўллаб-қувватловчи натижаларга эришиб келмоқда. Институтда ўқув жараёни такомиллаштириш, илғор технологияларни татбиқ этиш, инновацион ёндашувларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишларда янгиланиш руҳини яққол кўриш мумкин. Профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳияти, тажриба алмашинуви, хорижий ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг кенгайтирилиши, талабалар учун яратилаётган шароитлар, илмий изланишлар учун мотивацион муҳитнинг шакллантирилиши институтнинг ўз олдида қўйган мақсадларига қатъий ва босқичма-босқич эришаётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, институтда маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни ёт гоълар таъсиридан ҳимоя қилиш, ижтимоий лойиҳалар, маданий-маънавий тадбирлар, спорт мусобақалари ва инновацион ташаббуслар орқали ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш йўлида ҳам тизимли фаолият юритилмоқда. Бу эса таълим-тарбия бирлигига асосланган ёндашувларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганидан далолат беради.

Феруза МАДРАХИМОВА,
Урганч давлат педагогика
институти ректори,
педагогика фанлари доктори,
доцент.



300” талигига кирувчи ўндан ортиқ хорижий олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурлари таҳлил қилиниб, уларга асосан институтдаги таълим йўналишларининг юзга яқин ўқув режа ва дастурлари такомиллаштирилди. Буюк Британиянинг Кембриж университети, АҚШнинг Гарвард университети, Станфорд университети, Массачусетс технология институти, Техас давлат университети, Шотландиянинг Единбург университети, Россиянинг Москва давлат универси-

томонидан илмий-инновацион ишларни тижоратлаштириш асосида соҳа бююртмачилари (умумтаълим мактаблари, мактабга таълим муассасалари, махсус мактаблар) талабларига кўра таълим хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Утган ўқув йиллари давомида профессор-ўқитувчилар томонидан жами 1000 га яқин нашр ишлари амалга оширилди.


Юртимизда таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграциясига ҳам ало-



ТАЛҚИН

Аъзам Ўқтам — XX аср ўзбек шеърятининг забардаст вакили. Ҳаёт кези келганда бешафқат. Бувайданинг фахрли ўғлони, Қодир Деҳқон тамал тоши қўйган туман шеърят мактабининг ёрқин юлдузи — Аъзам Худойбердиевга зўрғагина қирқ икки баҳорни раво кўрди. Қисқа умр кўрса-да, шоир йигитларнинг ўқтами, марди мардони ғаразли тошбўронлар остида қуйидаги олти шеърый тўпламига дунё юзини кўрсатишга улгурди:

1. “Кузда кулган чечаклар” (1989)
2. “Кузатиш” (1989)
3. “Зиёрат” (1992)
4. “Тараддуд” (1992)
5. “Икки дунё саодати” (1998)
6. “Қирқинчи баҳор” (1999)



БЕҒУБОР
ОДАМНИНГ ЎРНИ

Тўпламларга кирган шеърлар ўхшаши йўқ, ўқтамона шеърлардир. Қариш бегона, ҳамиша яшариб турувчи барҳаёт сатрлар жо уларда. Тўғри, ижодкорнинг барча шеърлари маҳобатли эмас, балки моҳиятли-мағзи тўқ назм дурдоналаридир. Боиси, Аъзам Ўқтам тўқима эмас, тўқма ижодкорлардан эди. Бирон-бир шеърини мажбуран, зўрма-зўраки тўқиб битмаган. Ҳар бир сатри қалб тўридан қайноқ вулқондек отилиб чиқиб, инжудек қоғозга тўкилган. Зеро, қуйма мисралар ёзилмайди, туғилади. Тўғма шеърларнинг умри эса жовидон бўлади.

Шоирлик — топкирлик. Қати бузилмаган топилмалар инкишоф қилиш, оҳори тўкилмаган тафсилотлар қўллаш, яп-янги, бир-биридан чиroyли, асосли, ўринли ташбеҳлар тизиш, мазмунга мос шакл танлаш, етакчи фикрга мутаносиб сўзлар қўллашда Аъзамжонга тенг келадигани бўлмаган. У нафақат сўз сайлаш, балки матн ичида сўзни ўйнатишни ҳам ҳадди аълосига етказган. Жумладан, сўзларни Оллоҳ — “ол, лоҳ”, ҳаёт — “ха, ёт” каби турли шакллarga солиб, янги-янги маъно қирраларини очишда ҳам ўта маҳоратли эди.

Шеърларига ном қўйишда ҳам синчков, закий бўлган. Сўзлар раққослик қилган бир шеърини “Ўйин” деб номлаган. Мазкур шеър бошдан-оёқ мумтоз адабиётда фаол қўлланган қалб санъати асосига қурилган...

Қалб — арабча сўз бўлиб, луғатда айлантириш, тескарига айлантириш, чаппасига, яъни сўлдан ўнгга ўқиш каби маъноларни ҳам билдиради.

Истилоҳда замирида муносабат ёки таъсир мазмуни бўртиб турган, шеърдаги икки қисм ёки элементлар ўртасидаги алоқадорлик ифода этилган ҳиссиётлар орасидаги боғланишни билдирган мумтоз бадийий тасвирий воситадир.

Қалб санъатининг икки тури бор:

1. Муносабат қалби
2. Таъсир қалби.

Муносабат қалби — икки қисм ёки элементни бир-бирига боғлаб туради. Чунончи: кулги-йиғи, офтоб-соя, гул ва тикон каби қарама-қарши муносабатларни ифодалашда қўлланади.

Таъсир қалби — шеърнинг ижодкор томонидан ўқувчига етакчи фикрини образли, лўнда етказишда қўлланадиган йўл-йўриқ, услуб шаклида. Яъни хатти-ҳаракатларни тасвирлаш орқали қаҳрамонларнинг ҳиссиётларини акс эттириш, ўқувчига шеърнинг таъсир кучини орттириб, бўрттириб беришга хизмат қилади.

Мазкур санъат талаби бўйича “Ўйин” шеърини ҳамкорликда имкон қадар фикр элагидан ўтказасак:

Дарада ҳайқирдим:
“Мен улугʻ, улугʻ!”
Қайтарилар:
“Ғулу”.

“Фол оч, — дедим, —
Келажақдан фол”
Эшитилар:
“Поф”.

Инградим:
“Оҳ-оҳ-оҳ!”
Гумбурлайди:
“Ҳо-ҳо-ҳо”.

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, “Улуғ — ғулу”, “Фол — лоф”, “Оҳ-оҳ — ҳо-ҳо” сўзлари фонетик ўзгаришга учраган ҳар икки ҳолатда ҳам лексик маъно ифодалайди. Бу — ижодкорнинг вазиятга мос сўзлар танлашдаги устомонлигининг нишонаси...

Улуғлик ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган, забт этиш қийин, ғулуқ қулаш осон бўлган ўта юксак қабул. Улуғ ва ғулу гўё ер билан осмонча фарқи билан қарама-қарши кутб...

Ижодкор тазод — қарши қўйиш усули орқали асосий фикрга мантикий урғу бериб, тасдиқлапти, маънони бўрттириб, таъсирчанликни оширмоқда. Ўқувчини ўзини яққол таниб олишга, ўзлигидан асло чекинмасликка даъват қилмоқда. Улуғлик, буюклик, таниқилик қатра нуқсон билан, яъни ўзидан кетиш, шўхратпарастлик, кибру ҳавога берилиш билан ғулуға, ғалаёнга, ағдар-тўнтарга алмашиниб қолиши ҳеч гап эмаслигини алоҳида таъкидлапти...

...Авалло, ўтганлар ҳақида гапирганимизда қандайдир сифатни қўшиб айтгимиз келади. Тўғри-да! Энди у банда Тангри хузурига кетди. Боқий дунёга йўл олди. Шу боис унинг ибратли жиҳатларини намуна қилиб кўрсатмоқ жоиз. Аммо, шундайлар борки, тоғганимиз сифат шахсиятга узукка қўшган кўздай ярашади. Аъзам Ўқтам — беғубор шахс эди. Яъники, кўнглида кири йўқ эди. Эҳтимол, шунинг учундир юраги нопоклар даврасида гоҳо уринди, гоҳо суринди. Э воҳ, шундоқ шоир қисқа умр кўрди. Буюк Абдулҳамид Чўлпоннинг умридай. Шоир талқинича, бандда шукр қилгани маъқул; лекин эзгу нарсаларни кўпроқ истаса — ундан ҳам яхши. Бандда ўшанда фариштага яқинлашади:

Ғанижон ЭРМАТОВ,
Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиб.

Қор ёққани — излар босилгани ҳам
Хўроз қичқиргани агар бўлса тонг;
Шунга шукр қилиб яшаса одам,
Бундан бошқасини сиғдирмаса онг —
Кўкдан нур ёғилмас,
Гул фақат сўлар.

Бунда табиат ҳамда одам руҳиятидаги турғунликка қарши исён бор. Дейлик, қор ёққани, излар босилгани, хўроз қичқирғани асносида тонг отаверса-ю, онг ўша бир хилликка қўниқиб қолса, кўкдан нур ёғилмайди-да, демоқда шоир. “Гул фақат сўлар” — гулнинг қийғос очилиб тургани яхши, бироқ маънавий турғунликда гул барибир сўлади.

Бир хилда мулоҳаза юритиш, онгни қархламаслик, мухтасар шаклда айтсак, тафаккур яқовлиги жамиятни таназулға олиб боради. Учинчи бандда нигоҳ топилмага “қоқилиб” ярқираб кетади — “Бўронлар жимлиги саналса одоб” — бўрон сукут сақлаб турса, демак, у бўрон эмас. Буни одоб асносида оқлаб ҳам бўлмайди.

Ушбу шеър шоирнинг 1993 йилда чоп этилган “Тараддуд” шеърый тўпламидан олинган. Санасига қарасак, 1987 йилда ёзилган экан. Хулоса ҳам ажаб-товур:

Бош турса кўкракда, елкада эмас,
Эзилиб, димиқиб ўлса ҳамият;
Ҳеч ким йўл топмаса, чикармаса сас,
Баҳона қилинса муҳит, жамият —
Узрлар гуноҳдан
Ёмонроқ бўлар.

Масалан, ҳозирги ёшлар Аъзам Ўқтамни биладими? У қандай жамиятнинг меваси? Шеърларининг тағатламига астойдил разм ташласангиз, Истиқлол арафасида тебранишлар ифодасини илғаймиз. Зотан, Аъзам Ўқтамга тенгдош авлод вакиллари — Равшан Файз, Чори Аваз дохил бошқа шоирлар жамиятдаги турғунлик тўғрисида рўй-рост ёздилар. Бу жараёнда ўзини тафтиш қилиш, воқелиқдан қониқиш ҳиссини тўймаслик тўғриси устуворлик касб этади. “Тараддуд” китобида тўрт қаторлик шеъри бор. Сарлавҳаси — “Баъзан”. Шу миттигина шеърда катта фалсафа акс эттирилган:

Кўнгил ҳеч нарсадан тўлмайди сира,
Тинчроқ яшармиди девона бўлсам.
Тепамда осигʻлиқ болта — хотира,
Кошкийди, узимга бегона бўлсам.

Қанийди, девона бўлиб, хотирамни унутсам бахтиёр яшармидим, дейди лирик қаҳрамон. Ўздан бегона бўлиш — хотирани унутиш демак. Бироқ, шоирнинг виждони бунга асло кўнмайди:

Неча йил тишлаб тилимни,
Сўз демай юрдим-да жим.
Сўнг таниб қолдим элимни,
Бирдан ўзимни англадим.

Шоирни тушуниш қийин. Хусусан, шовқин-суронга тўлган замонда. Хусусан, кишанлар бўшашган, узилаётган замонда. Негаки, жамиятдаги инқилоблар кўпчилиكنинг онг-шурўига охиста-оҳиста етиб боради. Йигирманчи аср нўҳоясида Чўлпон ғояларини тараннум айлаган Аъзам Ўқтам мазкур миссияни идрокка жамлаган ва шуни ижро этган эди. Истиқлол йиллида — балки Истиқлолдан олдин, балки кейин — оташин шоир ёзган эдики:

Тошинг ёғдир, кўзу бағрим
Зиёсин сочганим, эй халқ.
Сўнг таниб қолдим элимни,
Бирдан ўзимни англадим.

Фақат зоҳирдаги ишни
Сенинг ҳуқминга қўймишман,
Англаёлмасан —
Кўнгулни —
Кима мен очганим, эй халқ.

Шоир кўнглини оппоқ қоғозларга очади-да! Унинг нидосини фақат оқликлар эшитади. Аммо орзу қилган шоир шунчаки хаёлпараст эмас. Орзу қилсанг, ўша орузни юксак оҳангларда баралла айта билсанг, шунинг ўзи мардлик-ку! Эҳтимол, бу амал инсонни фаришталарга яқинлаштирад? Мавлоно Жалолиддин Румий демиш: “Баъзан бизнинг маъсумлигимизга фаришталар ҳавас қилади, баъзан эса жоҳиллигимиздан шайтон қочарга жой тополмай қолади...”. Бизнингча, Аъзам Ўқтамнинг маъсумлиги — фаришталар ҳавас қиладиган маъсумлик. Жамиятдаги беғубор одамнинг ўрни айнан шу билан ўлчанса керак.

ИФТИХОР



ФУТБОЛ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА
ЖАМОАСИГА

Темурнинг ёнида терма жамоа,
Енгилма ва завоқ кўрма, жамоа.
Қара, отга чиқдинг, жаҳонга чиқдинг,
Отингни ҳеч кимга берма, жамоа!

Темурнинг ёнида терма жамоа,
Ютқазини нелисин билма, жамоа.
Қара, қанча шодмиз, нақадар шодмиз,
Шодликдан бебаҳра қилма, жамоа!

Темурнинг ёнида темир жамоа,
Енингга келганим синдир, жамоа.
Темирдек мустаҳкам, темирдек маҳкам,
Сизга тенг келолмас ҳеч бир жамоа.

Темурнинг ёнида темир жамоа,
Енингга келганим синдир, жамоа.
Дуо қилиб кутдик ва йиғлаб кутдик,
Кўз ёшларни артар кундир, жамоа!

Энг аввал Юртбошим туғиди майдонга,
Коррупция деган балчиқ бўлди даф.
Футболда тозалик, софлик, шаффофлик —
Майдонни минадан тозалашдек гап.

Энг аввал Юртбошим туғиди майдонга,
Сўзайи жасорат деган тирғакка.
Ишон, мизг зарбини кўтармоқ юки
Осир, жуда осир битта юракка.

Бир дон аштинни топпоқлик учун
Мизг тонна тупроқни элаш осонмас.
Тирноқлаб, мисқоқлаб йиққан олтинни
Тозалаб, юксакка йўллаш осонмас.

Мана, юксакларда терма жамоа,
Майдонни ҳеч кимга берма, жамоа.
Ўттиз саккиз миллион халқим бахтига
Енгилма ва завоқ кўрма, жамоа!

Рақиблар майдонни бергиси келмас,
Бир зарб бер, шаштини пастлат, жамоа,
Жаҳон унутганга ўхшар, жаҳонгир
Темурлар кимлигин эсла, жамоа.
Темурнинг ёнида терма жамоа,
Майдонни ҳеч кимга берма, жамоа!

ФУТБОЛ ЎЙНАЁТИР
ЎЗБЕК БОЛАСИ
(Ўзбекистон Республикаси
Президентининг “Футбол бўйича ўн етти
ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги
Осёё кубоги ўйинлари ғолиблари
ва иштирокчиларини мукофотлаш
тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.)



Боболари орзу қилолмаганлар,
Оталари орзу қилолмаганлар,
Даласидан бери келолмасанлар,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Шудгорнинг бошида бола тўққанлар,
Ўйин томиғача пахта экканлар,
Етмасан жойиғса жонин тикканлар,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Ўзбек асллари, ўзни билганлар,
Музни ёриб чиққан, тошини тилганлар,
Аждарнинг оғзидан омон келганлар,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Етмиш йил ер бўлиб ётганлар айтсин,
Бутифос захрини тотганлар айтсин,
Пахта деб кўмирдек қотганлар айтсин,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Рақибни гангитиб, ўйлатиб қўйиб,
Ўн бирга тўққизни ўйлатиб қўйиб,
Қора қошларини ўйлатиб қўйиб,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Йиқилса ҳам, дарҳол қўлиб туради,
Бўлар булча қувноқ — қўлиб юради,
Чемпион бўлишин билдиб туради,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Зулфия МЎМИНОВА

Ўзбек йўлга чиқди,
йўл бергин, жаҳон!

Энди баҳор, ёз, қиш, кузгача футбол,
Бу мўъжиза футбол, ўзгача футбол,
Дунёни лол этди ўзбекча футбол,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Юртбошим табриклаб, олқишлаб турди,
Соғаса энг учкур “тулпор”лар берди,
Юрт йўлини ёритди, ўзбек кун кўрди,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Яшил майдонларда бахтиёрларим,
Янги ўзбекларим, бахти борларим,
Эй аҳди ёрларим, шахти ёрларим,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Темир тилсимларин ечди Осиё,
Чемпионга кучоқ очди Осиё,
Бошидан тиллолар сочди Осиё,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

Ўзбек қўл узатди, қўл бергин, жаҳон,
Олтин кубок томон йўл бергин, жаҳон,
Ўзбек йўлга чиқди, йўл бергин, жаҳон,
Футбол ўйнаётир ўзбек боласи.

ПЕЛЕНИНГ СИНГЛИСИ
(Болаликни эслаб)

Ака, ҳовлимизнинг шундай ёнида
Қирлар бўлар эди, ям-яшил қирлар.
Кишнаб ўтар эди, отлар-уюрлар,
Маъраб ўтар эди, қўйлар, сизирлар.

Сайҳонликда, қирнинг текис жойида
Майдон бўлар эди, футбол майдони.
Сен учун бу майдон, бу яшил майдон
Дунёда ягона, энг катта эди.



Қирнинг баланд жойи, харсанг устида,
Томошабин зоти — мен битта эдим.
Битта кам бўларди сен ўйнар тараф,
Иккита ўйинчи саналардинг сен.

Қайсар томошабин — менинг ўнгимда
Ҳар кун ҳисоб бера, синалардинг сен.
Сени “Пеле” дея аташар эди,
Пеленинг синглиси аталардим мен.

Ҳакам бўлган эмас ҳеч бир ўйинда,
Келишиб ўйнарди иккала томон.
Гол урсанг, менга бир қараб қўярдинг,
Қўл силтаб қўярдим мен ҳам сен томон.

Мабодо енгилсанг, жим қайтар эдик,
Мен-чи, яширардим кўзим ёшини.
Бошганимни эғиб турар эдинг сен,
Бош эғиб ичардинг кечки ошингни.

Сўмқалар турарди майдон четида
“Икки”лари билан, “беш”лари билан,
У ерда ҳеч кимнинг иши йўқ эди,
Дунёнинг савдоий ишлари билан.

Энди тушларимга қирар у майдон,
Ўша яшил майдон, озода майдон.
Беғубор қийқириқ бағрини тутган
Энг покиза майдон, энг тоза майдон.

Ўйинлар тугади, болалик кетди,
Ўшандай севингча тўлолмадим мен,
Ака, сендан Пеле чиқмади, ака,
Пеленинг синглиси бўлолмадим мен.

Қирлар текислини пахта экилди,
Гол урмоқ эришса пахта бердинг сен.
Қанча севинчингни, қанча гозингни
Ҳисобчиға ўлчаб-ўлчаб бердинг сен.

Ака, бу ўйинда ютқаздинг, ака,
“Пахта” деб аталган рақибинг ютди.
“Пеле” деб ёзилган футбол тўпинг ҳам
Пахтазор ичида йўқолиб кетди.

Ҳамон гап очилса футбол ҳақида,
Ўшандай қарақлаб кетар кўзларинг.
Мен-чи, ерга боқиб тилак қилман,
Тилагимни осмон-фалак қилман,
Ўшларинг Пеле бўлсинлар, ака,
Пеленинг синглиси бўлсин қизларинг.

Ҳамон гап очилса футбол ҳақида,
Ўшандай қарақлаб кетар кўзларинг.
Мен-чи, ерга боқиб тилак қилман,
Тилагимни осмон-фалак қилман,
Ўшларинг Пеле бўлсинлар, ака,
Пеленинг синглиси бўлсин қизларинг.



Муаллиф ҳақида:
Зулфия Мўминова — 1959 йил Нарпай туманида туғилган.
ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини таомомлаган.
Журналистик фаолиятини “Саодат” журналидан бошлаб, кейинчалик “Спорт” газетаси, Республика радиоси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа давлат ташкилотларида турли масъул лавозимларда меҳнат қилган.
“Ватан ташлаб кетмайди”, “Бешикларни асрагин, дунё”, “Ёнаётган аёл”, “Азизим, бахтиёрман”, “Аёлга бахт беринг”, “Буюк уйғониш”, “Аёлга гул беринг”, “Ишқ фаслида бор эдим”, “Самога сочилган юлдузлар” (Пахтакор-79 футбол жамоаси хотира-сига), “Истиқлол — олтин гули”, “Юрагига Сурхондарё сиққан аёл”, “Болага китоб беринг” назмий ва насрий асарлари ҳамда болалар учун “Бўрини енгган қўзичоқ”, “Юмшорой исмли типратиканча”, “Шляпа кийган эчки”, “Хўроз нега учолмайди?”, “Қорбобонинг болалиги” каби эртақлар ва шеърлар тўпламлари чоп этилган.
“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони, “Дўстлик” ҳамда “Меҳнат шўхрати” орденлари билан тақдирланган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЧИНОРИМ
(Футбол бўйича Ўзбекистон терма
жамоаси дарвозабони Ўткир Юсуповга)



“Оқ бўрилар”да сен бир бўрисан,
Сергак қўриқлайсан дарвозамизни.
Бирга-бир чиққанда зўрдан зўрисан,
Олам эшитмокда овозамизни.

Сенинг совутинг бор, сен қоплангансан,
Сенинг сабринг метин, бардошинг олтин.
Рақиблар билмайди, сен тоблангансан,
Оёқларинг темир ва бошинг олтин!

Футбол — жанг майдони, ёлғиз бўрисан,
Ўн битта рақибнинг сенда ўчи бор.
Улар билмайдики, сен дуо олан,
Сенда ўттиз саккиз миллион кучи бор.

Дерлар: дарвозабон — ярим жамоа,
Бўри бўл, йўлбарс бўл, бургут бўл учиб.
Тўннинг йўналишини шамолдан сўра,
Ер билан гаплагини тупроқни кучиб.

Бу кунни онангдек кутдик, Ўткиржон,
Қанча Ўткирларни бой берди ўзбек.
Ўзиникин туртиб, беш бесона
Жамоа тўридан жой берди ўзбек.

Кўзига тиб қараб Ўткирларнинг,
Ўтмас деб, муттасили ерга уришинлар.
Тинимсиз сариғу қизил кўрсатиб,
Ўйинда чиқарди, четга сурдилар.

У кун ортда қолди, янги тонг отди,
Шу тонгда юксалдинг, бўли чинорим.
Ор учун от миниб майдонга тушимок,
Аслида, наслида, қонида борим.

Юртбошим ишонча-ла қўллаб турганда
Ўзбек футболлига ҳаром йўлолмас.
Сен ўткир қилисан, ҳеч бир қўриқчи
Сенга тенг келолмас, сендек бўлолмас.

Дарвозалар кўндир, дарвозабон ҳам,
Энг бандода ўзинг қоя қалқонсан.
Ўзбек футболлида биринчи бўлиб,
Жаҳонга йўллаган дарвозабонсан!



